Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 101 (20. 668) • 1990 йил 2 май, чоршанба • Баҳоси. 3 тийин.

ТИНЧЛИК ВА МЕҲНАТ БАЙРАМИ

Ўзбекистоннинг ўнлаб шаҳар ва қишлоқларида Биринчи Май шарафига байрам намойишлари, юришлар ва митинглар бўлиб ўтди. Республика меҳнаткашлари мавжуд қийинчилиқларга қарамай, уни қайта қуришнинг пировард натижаларига ишонган ҳолда кутиб олмоқдалар. Ўзбекистон ССР халқ депутатларини, маҳаллий Советларга депутатларни демократик руҳда сайлаш ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириб юборди. Ҳозирги пайтда жамиятимиздаги барча соғлом кучларни жипслаштириш, миллатлараро муносабатларни ҳамда мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш билангина биз дадил олға боришимиз мумкинлигини ҳамма яхши тушунмоқда.

Ўзбекистон бўйлаб тинчлик ва меҳнат байрами одимламоқда.

ЎзТАГ мухбирлари хабар қиладилар:

НУКУС

● Қорақалпоғистон пойтахти байрам либосида. Автоном республика инқилобий қайта қуришнинг янги баҳорини турмушнинг барча жабҳаларида катта ўзгаришлар билан кутиб олди. Ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган шу йилги халқ хўжалик плани муваффақиятли рўёбга чиқарилаётганлиги бунинг ёрқин мисолларидан биридир. Ушбу планда уй-жой, соғлиқни сақлаш ва маданият иншоотларини бунёд этишга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга катта эътибор берилган.

Нукусда ниҳоясига етган Орол муаммоларига доир Бутуниттифоқ кенгаши Амударё қуйи оқимидаги экология вазиятини соғломлаштиришга кучли омил бағишлади. Олимлар чиқарган хулоса битта — партия ва мамлакат ҳукумати қабул қилган қарорларнинг ўзи етарли эмас, энг аввало ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган амалий, илмий асосланган истиқболли лойиҳалар ва чора-тадбирлар зарур. Нукусда «Орол» илмий-тадқиқот мувофиқлаштирувчи марказининг тузилиши Оролни қутқаришга қаратилган муҳим воқеа бўлди. Марказ региондаги экология вазиятини барқарорлаштиришга қаратилган ўзига хос таклифларни тайёрлашга кўмаклашиш керак. Биринчи Май арафасида Орол ва Амударёни ҳимоя қилиш уюшмаси тузилди. У Қорақалпоғистонда экология йўналишидаги дастлабки бирлашмага айланди. Уюшманинг мақсадлари мувофиқлаштирувчи марказ мақсадларига мос келади. Ўз сафларига кўнгилли асосда меҳнаткашлар кенг оммасини жалб этиш имконияти янги жамоат ташкилотининг асосий афзаллигидир.

Нукуснинг В. И. Ленин номи билан аталувчи бош майдонидан ўтган намойишчилар партия ва ҳукумат йўлига ўз садоқатларини яна бир бор тасдиқладилар, қайта қуришни амалий ишлар билан янада чуқурлаштиришга азму қарор берганликларини изҳор этдилар. Инсон, унинг ижтимоий ва маънавий эҳтиёжлари, фаровонлиги қайта қуришнинг асосий омилидир.

ОЛМАЛИҚ. (ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ)

● Металлурглар ва кимёгарлар шаҳри меҳнаткашлари намойишида кўплаб одамлар қатнашди. Энг йирик корхоналарнинг коллективлари байрамга яхши ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан келдилар. Планлар муваффақиятли бажарилмоқда. Ижара муносабатларига ўтган шаҳар автобус-таксомотор парки коллективи юз минг сўмлаб

(Давоми иккинчи бетда).

ТАШВИШ ВА УМИД БАҲОРИ

ҚИЗИЛ МАЙДОНДА САЙИЛ

Бу йилги Биринчи Майнинг ўзига хос таровати бор. Жаҳон меҳнат аҳлининг Халқаро бирдамлик куни Биринчи Май оммавий байрам қилинганига юз йил тўлганлиги учунгина шундай эмас. Жамиятимиз янгиланмоқда. Ўзимиз ҳам ўзгариб боряпмиз. Қолоқлик исканжасини улоқтириб ташлаб, мустақил ўйлайдиган бўлиб қолдик, олдиндан ёзиб қўйилган нутқлардан, тадбирбозликдан воз кечяпмиз, яқин ўтмишда ана шундай нутқлар ва тадбирбозликлар ҳаммани ва ҳамма ишни, ҳатто Биринчи Майни ҳам ўзига бўйсундириб олган эди. Гарчи бу гал байрамни мураккаб шароитда, кўпдан-кўп ижтимоий, иқтисодий, миллий муаммолар гирдобида кутиб олаётган бўлсак ҳам, қайта қуриш шарофати билан турмушимизга кириб келаётган ижобий ўзгаришлардан умидимиз катта.

Жамиятимиз янгиланяпти, ўзимиз ўзгариб боряпмиз. Бинобарин, энди дабдабабозлик, тантанабозликдан, яқиндагина Биринчи Май кунлари учун ҳам одат бўлиб қолган мана шу иллатлардан воз кечган москваликлар ҳар тарафдан Қизил майдонга тўпланишди. Каттакон матога К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин сиймолари туширилган. Давлат универсал магазини ва давлат тарих музейи пештоқларига ўрнатилган ранг-баранг паннолларда тинчлик, меҳнат, дўстлик, қайта қуриш мавзулари акс эттирилган. Кремль девори СССР халқларининг кўзи қамаштирувчи миллий нақшлари билан безатилган. Сенат минорасининг қоқ ўртасига СССР Герби қўйилган. Олий Совет биноси узра мамлакатнинг давлат байроғи ҳилпираб турибди.

Қизил майдонда тўпланган одамлар бамисоли денгизнинг мавжланишини эслатади. Илгариги пайтларда байрамдан анча аввалоқ намойиш қатнашчиларининг рўйхатлари осиб қўйилар, намойишга чиқиш ҳақидаги буйруқни бажармаган кишиларга тазйиқ ўтказиларди. Мана шу тантанабозликлардан ғоят чарчаган эдик. Кети узилмайдиган баҳайбат плакатлар, макетларни айтмайсизми. Мана шунинг оқибатида бу йилги байрамнинг илк моҳияти Тинчлик! Меҳнат! Бирдамлик! сўзларидан иборат эканлиги ортиқча дабдабабозликдан хиралашар эди. Бугун эса Москванинг меҳнат аҳли мамлакатдаги мураккаб вазият ҳақида, ижтимоий тангликдан қутилиш йўллари тўғрисида ўз фикрини айтмоқ учун ихтиёрий равишда Биринчи Май байрамига чиқди.

Қайта қуриш жараёнида ўзининг «узатмачилик» юмушидан аста-секин халос бўлиб, чинакам жанговар хислатини намойиш қила бошлаган Москва касаба уюшмалари бу галги митинг-сайилнинг ташкилотчилари бўлдилар. СССР Президентининг «Москва ҳудудидаги оммавий намойишлар Содовое кольце доирасида ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги фармонига биноан митингга ва ундан кейин ўтказиладиган намойишга СССР Министрлар Совети ижозат берди.

Москва шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг даъватига биноан халқ хўжалиги ҳар хил тармоқларининг меҳнатчилари эрталаб соат саккиздан бошлаб тўпландилар ва сўнгра Кремль томонга йўл олдилар. Улар министрлар, тармоқ штабларининг раҳбарлари билан биргаликда москваликларнинг: «Яшасин демократия, йўқолсин сафсатабозлик!», «Тажрибабозлик етар, ишлаш керак!», «Нарх-наволарни касаба уюшмалари назорат қилсин!», «Бозор иқтисодиётини қўллаб-қувватлаймиз, ишсизликка йўл қўймаймиз!», «Ёшларнинг муаммоларига эътибор берилсин», «Пинҳона иқтисодиёт корчалонлари жавобгарликка тортилсин», «Умумбашарий қадриятлар тантана қилсин!», «Қудратимиз — бирликда» деган фикрлари, шубҳа-гумонлари ва ташвишларини ифодалайдиган плакатлар ва транспарантлар билан Қизил майдон атрофида саккиз оқим бўлиб саф тортдилар.

Эрталаб соат 10. Мавзолейнинг марказий минбарига СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари **М. С. Горбачев**, СССР Министрлар Советининг Раиси **Н. И. Рижков**, СССР Олий Советининг Раиси **А. И. Лукьянов**, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзолигига номзодлар, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, Россия Федерацияси, Москва раҳбарлари, пойтахт меҳнат коллективларининг намояндалари чиқадилар. Байрам меҳмонлари орасида уруш ва меҳнат ветеранлари, СССР ва Москва Советининг халқ депутатлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари бор. Чет эллик меҳмонлар, СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳам шу ерда.

Москва шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг раиси **В. П. Шчербаков** митингни очди. ВЦСПС раиси **Г. И. Янаев** микрофон ёнига келади.

— Бугун, — деди у, — меҳнаткашларнинг бирдамлиги, бирлиги ва қардошлигини намойиш қилиш учун қайта қуриш йўлида ўз меҳнати билан курашаётган кишилар Қизил майдонга йиғилдилар. Бозор иқтисодиётига ўтилишининг биринчи босқичида мамлакат аҳолисининг энг кам даромадли табақалари фаровонлигига таъсир қилишини ҳаммамиз тушуниб турибмиз. Шу муносабат билан меҳнаткашларнинг иқтисодий ҳимояланиш системасини вужудга келтириш, уларнинг манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ВЦСПСнинг, совет касаба уюшмаларининг вазифасидир. Башарти биз меҳнаткашларнинг Конституцияда кафолат берилган меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланишини зўр қатъият билан талаб қилмасак, касаба уюшмалари бўлмай қоламиз.

ВЦСПС раиси ер курраси-дагги барча кишиларни башарият тараққиётининг инсонпарварлик ва демократик мақсадларига эришмоқ учун янада зўр қайрат билан биргаликда ҳаракат қилишга чақирди. Машҳур «Трехгорка» тўқувчиси **О. В. Замохотова**, Москва архитектура институти талабалар касаба уюшмаси комитетининг раиси **Г. Ф. Будяк** пойтахт меҳнаткашларининг ишлари ва режалари ҳақида гапирдилар. Жаҳон касаба уюшмалари федерациясининг бош секретари **И. Закария** митингда табрик нутқи сўзлади.

— Москва меҳнаткашларининг бу мароқли митинги, деб таъкидлади у, — СССРда социализмни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги қатъиятингизни яна бир бор кўрсатиб турибди. Совет Иттифоқи қайта қуриш йўлидан дадил олға бориб, ўтмиш камчиликларидан халос бўлаётганини ва ўз халқининг ижодий имкониятларини рўёбга чиқараётганини ҳозир бутун дунё кўриб турибди. Халқингиз бутун инсониятнинг орзусини — вайронгарчилик келтирувчи ядро уруши хавфидан халос бўлган дунё ҳақидаги, очлик ва қашшоқликка барҳам берилган, ҳар бир миллат адоват ва тажовуздан чўчимай, хавфсизлик шароитида яшайдиган дунё тўғрисидаги орзуларни амалга оширишга самарали ҳисса қўша олади.

Меҳмон жаҳон касаба уюшмалари номидан москваликларни байрам билан астойдил табриклади.

Сайил давом этади. Техника фанлари номзоди **Е. Н. Каблов**, «Серп и Молот» металлургия заводи касаба уюшмаси комитетининг раиси **Е. К. Кузнецов** сўз оладилар.

Майдонга йиғилган кишилар қарор қабул қилиб, барча тараққийпарвар кучларнинг халқлар тинчлиги, озодлиги ва бахт-саодати учун курашдаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлашларини, меҳнаткашлар манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилиш қоидаларига қатъий содиқ эканликларини, жамиятимизнинг энг йўқсил табақалари ҳолатини мушкуллаштириш ҳисобига иқтисодий тангликдан қутилишга йўл қўймасликларини билдирдилар.

Ҳужжатда барча миллат меҳнаткашлари бирлашсинлар ва нифоққа йўл қўймасинлар, миллатчилик ва миллий адоват уруғлари ниш уришига имкон бермасинлар, деб даъват қилинади. Биз ақл-идрок тантанасига ишонамиз, инсон манфаатларини кўзлайдиган ва меҳнат аҳлининг ижтимоий кафолатларини таъминлайдиган инсонпарвар, халқчил ўзгартишларни қўллаб-қувватлаймиз, деб таъкидланади қарорда. Меҳнаткашларнинг турмуш даражасига, манфаатларига кўпроқ таъсир ўтказадиган жамики қарорлар халқ билан маслаҳатлашиб қабул этилиши керак. Бизнинг бирлигимиз ва бунёдкорлик меҳнатимизгина ижтимоий тараққиётни, ҳозирги ва келажак авлодларнинг фаровонлигини, Ватаннинг янгиланиши ва равнақини таъминлай олади.

Ушбу репортаж муаллифларидан бири Биринчи Май арафасида СССР Президентининг Уралга қилган сафарида ТАСС журналистлари гуруҳида бўлиб, М. С. Горбачевнинг қудратли саноат ўлкаси ишчилар синфи билан учрашувлари ва суҳбатлари гувоҳи бўлган эди.

Ўша учрашув ва суҳбатларнинг ҳаммасида уралликлар янгиланиш режаларини амалга оширишга иш билан ёрдам бераётганликлари ва ёрдам бераверишлари аниқ-равшан изҳор қилинди. Бироқ марказий ҳокимиятга қайта қуриш жараёнларини қатъийроқ амалга ошириш йўлини ўтказишда янада дадил бўлингиз, деган даъват ҳам баралла айтилди.

— Қайта қуриш натижаларини кутаверсак жуда чарчадик, — деди «Уралвагонзавод» оператори **В. Н. Полевих**. — Ишчилар синфи қайта қуриш учун кўпроқ иш қилиши мумкинлигига аминман, бироқ парламент бутун кучимизни намоён этишимизга имкон берадиган тегишли қонунларни тезроқ қабул қилиши керак. Қонунлар чиқариш — масъулиятли иш, — бу ишда шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди, аммо шундай бўлса ҳам, Олий Советдаги мунозарага ҳаддан ташқари кўп вақт кетмоқда ва иш секинлик билан силжимоқда.

Митинг тугайди, Қизил майдон ҳаракатга келади. Энди москваликлар саф тортиб тарих музейидан Василий Блаженний ибодатхонаси томон ўта бошлайдилар. Митинг қатнашчиларидан кейин бу ерга Москва Совети ва сайловчиларнинг бирлашмалари уюштирган районларнинг сафлари кетма-кет кела бошлайди.

Намойишчилар орасида гарчи ҳали ҳам одатга кўра «норасмий» деб аталсаларда, аммо ҳозирнинг ўзидаёқ сиёсий турмушимизнинг салмоқли воқелиги бўлиб қолган хилма-хил ташкилот ва ҳаракатларнинг намояндалари бор. Шиорларнинг хилма-хиллиги бунинг яққол далилидир: очиғини айтганда, баъзи транспарантларнинг Қизил майдонга олиб келинишини яқин ўтмишда тасаввур этиб бўлмас эди.

(Давоми иккинчи бетда).

МОСКВАДА БИРИНЧИ МАЙ МУШАКБОЗЛИГИ

Пойтахтнинг тунги осмонига рассомнинг мўйқаламини югуртирилгандек бўлди, мушакларнинг ранг-баранг шуълалари ажиб бир манзара ҳосил қилди. 1 Май куни Москва меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик кунини шарафлади.

Шаҳар кўчалари, майдонлари ва шоҳйўллари узра байрамона шуълалар йигирма марта кўтарилиб, осмонда ғаройиб нақшлар ҳосил қилди. Тўплардан ҳар сафар отилган мушаклар минглаб томошабинлар кўз ўнгида бир лаҳза намоён бўлиб, сўнгра сўнар ва яна шу манзара қайтадан такрорланарди.

Қаҳрамон шаҳарларда ва иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида ҳам байрам мушакбозлиги бўлди.

(ТАСС).



Тошкент. Ленин майдони. Меҳнаткашларнинг байрам намойиши.

В. Молгачев олган сурат.

ҚАЙТА ҚУРИШ БИЛАН ҚАДАМ-БАҚАДАМ

ТОШКЕНТДА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ

Яна — Биринчи Май, халқнинг энг севимли байрамларидан бири. Одамлар ўзларининг эзгу орзу-умидларини мана шу байрам билан боғлайдилар.

Меҳнаткашлар Халқаро бирдамлик куни ўзининг иккинчи интернационалнинг 1889 йил 14-21 июль кунлари Парижда ўтган конгрессида белгиланган эди. Келгуси йилдаёқ у бир қанча мамлакатларда кенг нишонланди. Бу йилги Биринчи Май алоҳида эътиборга сазовор, чунки бу байрам юзинчи марта нишонланмоқда.

Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни мамлакатимизда турлича байрам қилиниб келди: инқилобга қадар чор ҳукумати маъмурларига қарши қаратилган бўлса, шундан кейин одамларнинг қувноқ оқими кўчалар, майдонлар ва хиёбонларни тўлдирди.

Бугунги кунда Май байрами бутунлай бошқача вазиятда нишонланмоқда. Биз партия ташаббуси билан мамлакатда амалга оширилаётган қайта қуриш шароитида бу байрамни олтинчи марта нишонлаяпмиз. Жамиятда мураккаб, чинакам инқилобий жараёнлар содир бўлмоқда, демократия, ошкоралик, тобора кенг қулоч ёймоқда. Эндиликда ҳозирги давримизни шуларсиз тасаввур қилиш қийин. Биз орзу қилаётган барча мақсадларни амалга ошириш осон бўлмаяпти. Бу айниқса иқтисодиётга тааллуқлидир. Қайта қуриш йўлида муваффақиятсизликлар, хатолар бўлиши мумкин. Шунга қарамай, бош йўл тўғри танланган, стратегия ишлаб чиқилган, энди эса ҳаммамиз барча режалар рўёбга чиқарилиши учун кўп ва қизғин иш олиб боришимиз керак.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасида ўртага қўйилган мақсадларнинг аниқлиги барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашларига ҳам жараёнлар қанчалик қийин кечмасин, қайта қуриш пировард натижада муваффақият қозонишига ишонч бағишлайди. Тошкентликлар айни шундай кайфият билан ўзлари меҳнат қилаётган завод ва фабрикалар, ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари олдига тўпландилар. Улар бу ердан саф-саф бўлиб, Ўзбекистон пойтахтининг бош майдонига бордилар.

Кейинги йилларда Тошкентдаги анъанавий Биринчи Май намойишлари дабдабабозликдан тобора ҳоли бўлмоқда. Корхоналар ва районлар ўз сафларини безатиш учун ким кўпроқ маблағ сарфлаш мақсадида мусобақалашиш эндиликда сезилмайди. Кўпдан-кўп плакатлар ва транспарантлардаги ғалаба рапортларини эндиликда кам учратасиз.

Эрталаб соат 10. Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликкa номзодлари Д. Д. Берков, П. В. Догонкин, А. С. Ефимов, М. И. Иброҳимов, А. И. Икромов, С. Мамарасулов, Р. А. Попов, Ж. Ҳамидов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин, А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари М. М. Орипжонов, Б. С. Ҳамидов, Т. Я. Шарипов, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник И. В. Фуженко, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси А. С. Моргасов Тошкент қурантининг садолари остида ҳукумат минбаридан жой оладилар.

Меҳмонлар учун ажратилган минбарларда одамлар гавжум. Бу ерда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка номзодлари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, мамлакат ва республика халқ депутатлари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари, фан ва маданият арбоблари кўриш мумкин. Улар билан ёнма-ён кўпдан-кўп чет эллик меҳмонлар, Афғонистон Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Монголия Халқ Республикаси Бош консулхоналарининг, Куба Республикаси консуллик пункти, Ливия Араб Социалистик Халқ Жамоҳирияси Бош консулхонасининг вакиллари туришибди.

В. И. Ленин майдони узра фанфара садолари янграйди. Парадлар хиёбони алвон рангда товланади — намойишни байроқдорлар қўшма сафлари бошлаб беради. Улардан кейин Тошкентнинг ишчилар гвардияси — партия, уруш ва меҳнат ветеранлари шаҳдам қадамлар билан майдонга кириб келадилар. Огир уруш йилларида мамлакатни ҳимоя қилиш ва урушдан кейинги йилларда уни вайронагарчиликлардан тиклаш учун ўз кучини ва ҳаётини аямаган кишилар кўксидаги кўпдан-кўп орден ва медаллар май қуёши нурларида товланади. Буларнинг кўпчилиги бугунги кунда ҳам қайта қуришнинг олдинги марраларида бориб, ўзларининг бой ҳаётий ва меҳнат тажрибасини тўла-тўкис сарфламоқдалар.

«Май» ва «Тошкент» сўзлари чиройли қилиб ёзилган машиналар майдонга кириб келади. Уларнинг ортидан эса Ўзбекистон пойтахти меҳнат коллективларининг вакиллари юра бошлайдилар.

Кўпгина қийинчиликлар ва чигалликларга қарамай, Тошкент ишчилар синфининг бугунги кунда ҳам фахрланса арзигулик ютуқлари бор.

Мана «Миконд» заводининг меҳнаткашлари майдон бўйлаб ўтиб бормоқдалар. Корхонада ишлаб чиқариш соҳасида доимо дурустгина натижаларга эришилмоқда, ишчилар, инженер-техник ходимларнинг куч-ғайратлари туфайли шу йилнинг тўрт ойи ичида пландан ташқари анчагина фойда олинди. Қўшимча равишда ишлаб топилган маблағнинг катта қисми ижтимоий эҳтиёжлар учун сарфланади. Масалан, бу йил корхона хотин-қизлар кенгашига ўн минг сўм ажратилди. Бу пулнинг ҳаммаси кўп болали оилаларга, ёлғиз оналарга ёрдам бериш учун сарфланади.

Суҳбатдошимиз — «Миконд» заводининг слесари, меҳнат коллективи кенгашининг раиси В. Е. Перевалов шундай дейди:

— Яқинда ўтказилган шанбаликда корхонанинг бутун коллективи ўз иш жойларини эгаллади. Биз шу куни ўн беш минг сўм ишлаб топдик. Мана шу маблағнинг ҳаммаси ўтган йиллардан фарқ қилиб, коллективнинг ўзида қолдирилди. Биз ана шу маблағдан ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун фойдаланишга қарор бердик. Район меҳр-мурувват жамғармасига бир ярим минг сўм ўтказдик. Ишга бундай ёндашув коллективда қизиқиш уйғотиб унинг меҳнат фаолиятини рағбатлантиради. Ишлаб топилган маблағдан фойдаланишга оид барча масалаларни ҳал этишда меҳнат коллективи кенгаши фаол қатнашмоқда.

Тошкентдаги илғор корхоналардан бирининг коллективи фақат ўзи тўғрисида, ўз фаровонлиги ҳақида ўйламайди, Чернобиль бошига тушган кулфат миллион-миллион совет гражданлари қалбини қайғуга солди. Корхона ходимлари Чернобиль банк счетига 10 минг сўм ўтказдилар.

Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларининг бошқа коллективлари орасида ҳам кўпгина шундай мисолларни учратиш мумкин. Кимгадир ёрдам зарурлиги тўғрисида гап борганида меҳнат аҳли чинакам байналмилалчилик намуналарини кўрсатмоқда. Тошкентликлар ўз ризқини қийиб бўлсада ёрдамга муҳтожлардан саховатини аямайдилар.

Октябрь ва Ленин, Чилонзор ва Киров ҳамда Ўзбекистон пойтахти бошқа районлари корхоналарининг меҳнаткашлари мусиқа садолари остида майдондан ўта-

(Давоми иккинчи бетда).

ҚАЙТА ҚУРИШ БИЛАН ҚАДАМ-БАҚАДАМ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

дилар. Партия бутун жамиятимизни инқилобий қайта қуришни бошлаган экан, уларга — ишчи ва хизматчиларга алоҳида таянади. Октябрь революцияси номли ва «Ташсельмаш» заводлари, «Средазкабель» ва В. П. Чкалов номли авиация бирлашмаларининг меҳнат коллективлари анчагина ютуқларга эришдилар. Бироқ байрам сафларида бораётган кишилар билан суҳбатлашганимизда қайта қуриш жараёнларини чуқурлаштириш ва жадаллаштириш учун ҳали етарли даражада куч-ғайрат сарфламаётганлигимиз тўғрисида фикр билдирилади. Сиёсий ислоҳот ҳозирча иқтисодий ислоҳотга нисбатан анча тез бормоқда. Бунинг анчагина сабаблари бор. Аммо шуни ёдда тутиш керакки, ҳар қандай ишдаги муваффақият эрта тонгдан корхоналар цехлари томон отланиб, станоклар ёнида меҳнат қилаётган ҳар биримизга боғлиқдир.

Яна шуни айтиш мумкинки, агар партия пролетариатга алоҳида таянаётган бўлса, ишчилар синфи ҳам партиядан умидвордир. Бугунги кунда КПСС ва унинг жанговар отряди бўлган Ўзбекистон коммунистлари мураккаб даврни бошдан кечирмоқда. Партияга хуружлар кучайди. Муайян бузғунчи кучлар унинг сафларини пароканда қилишга уринмоқдалар. Коммунистларни қийинчиликлардан, курашдан чўчитиб бўлмайди, улар турмушда ҳеч қачон енгил йўлни изламаганлар. Шу туфайли партия аъзолари учун бугунги кунда энг муҳими барча соғлом ва тараққийпарвар кучларни жипслаштиришдан иборат.

Мана намойишчилар сафларида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективининг вакиллари бормоқда. Оммавий харидоргир моллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли уддаламоқда. Шу йил бошидан бери корхонада 270 мингтадан ортиқ кийим-кечак тайёрланди. Пландан ташқари олинган фойда салкам уч миллион сўмни ташкил этди. Ана шу маблағларнинг бир қисми коллективдаги ижтимоий масалаларни ҳал этишга сарфланади.

— Эришилган муваффақиятлар — бутун коллективнинг меҳнат самарасидир, — деди бирлашма партия комитетининг котиби Т. С. Собитов. — Аммо биз ҳақли равишда коммунистлар бунда пешқадамлик қилмоқдалар, деб айтишимиз мумкин. Ташкилотимиз кенгаймоқда. КПСС сафларига коллектив ишонч билдирган энг муносиб кишиларни қабул қиляпмиз. Яқинда бўлиб ўтган Киров район партия конференцияси омма орасида партия таъсирини кучайтиришнинг конкрет йўлларини белгилади. Биз, коммунистлар халқ орасида бўлишимиз, барча янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, қайта қуришни бутун чоралар билан олға томон силжитишимиз керак. Шу йўл билангина партиянинг обрў-эътиборини ошириш мумкин.

...Намойишчилар оқими сийраклаша бошлайди. Тошкентликларнинг республика бош майдонидан ўтиши бир соатдан камроқ вақт давом этди. Бироқ мана шу бутун қуёшли Май кунида халқ сайиллари давом этди. Байрам боғлар ва хиёбонларга, стадионлар ва маданият саройларига, кўчаларга ўтгандек бўлди. Мана байрам тантаналаридан бир нечта энг ёрқин жиҳатларини тилга оламиз. Халқлар дўстлиги саройи ва Навоий театри олдидаги майдонлар болалар ихтиёрига берилди. Улар бу ерда асфальтга расм чизиш конкурсини ўтказдилар, улар ясаган буюмлар кўргазмалари ташкил этилди, ёш артистлар катта концерт программасини намойиш этдилар. Шундан кейин улар катта ёшдаги кишилар билан театрлаштирилган томошаларда иштирок этдилар.

Тошкентдаги маданият ва истироҳат боғларининг ҳар бири ушбу кунга ўз программасини тайёрлади. Тельман номли боғда Куйбишев районининг минглаб аҳолиси сайил ўтказди. Бу ерда партия, уруш ва меҳнат ветеранларининг учрашуви бўлди. Фурқат номли боғда халқ сайиллари «Тинчлик ва бирдамлик» шиори остида ўтди. Ленин комсомоли номли истироҳат боғи тошкентликларни «Бутун ер куррасида тинчлик бўлсин» деган катта байрам программасини томоша қилишга таклиф этди. Ленин районининг бадиий ҳаваскорлик коллективлари эса ўзларининг тингловчилари ва томошабинлари билан учрашувини «Куррамиз узра Тинчлик, Меҳнат, Май абадийдир» деб номладилар. Хуллас, Ўзбекистон пойтахтидаги барча 16 та истироҳат боғида шу куни байрам тантанаси ҳукмронлик қилди.

Кечқурун эса Тошкент осмонини байрам мушакбозлиги ёритди. Байрам ҳаммада зўр таассурот қолдирди.

В. ГЛАДИЛОВ,
В. ДРАЧЕВ,
ЎзТАГ мухбирлари.

Тошкент. Ленин майдони. Суратларда меҳнаткашларнинг байрам намойиши.
В. Молгачев олган суратлар.

ТИНЧЛИК ВА МЕҲНАТ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

қўшимча фойда олди. Парк ижарачилар кенгашининг қатнашчилари шаҳар ўқувчилари транспортда бепул юришларига имконият яратиш хусусида қарор қабул қилди.

Намойишчилар сафларида — Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат ветеранлари бор. Шаҳар ветеранлар кенгаши ёрдамга муҳтож пенсионерларнинг турмуш шароитини яхшилаш юзасидан катта иш қилишмоқда. Уларга уй-жойларини ремонт қилишда, уйларига телефон ўрнатишда ёрдам берилмоқда.

Ҳозирги вақтда Олмалиқда мамлакатимиздаги олтмишдан ортиқ миллат вакиллари яшамоқда. Жамоатчиликнинг фаол иштирокида ташкил этилган шаҳар байналмилалчилар маркази миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Марказ фаоллари Биринчи Май тантаналарини тайёрлаш ва ўтказишда қатнашдилар.

Шиорлар, мадҳиялар камроқ, амалий ишлар эса кўпроқ бўлсин — ҳозир шаҳар меҳнаткашлари ана шундай яшаб меҳнат қилишмоқда. Улар Биринчи Май намойишида қатнашар эканлар, ўз меҳнатлари билан қайта қуришга кўмаклашишга интилаётганликларини, демократия ва тараққиёт жараёнининг фаол иштирокчилари бўлишларини айтдилар.

АНДИЖОН

● Сайёрамиз меҳнаткашларининг бирдамлик баҳор байрамида область марказида истиқомат қилаётган етмишдан ортиқ миллат ва элат вакиллари қатнашди. Андижон трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг вакиллари ҳам Октябрь майдони бўйлаб байрам қатнашчилари сафларида ўтдилар.

— Бизнинг кўпминг кишилик коллективимизда йигирма миллат вакиллари елкама-елка меҳнат қилишмоқда, — дейди электрчи М. Асронқулов. Аҳиллик билан бир оила бўлиб яшаяпмиз.

— Энг муҳими бошимиз узра тинч осмон бўлсин, — деб суҳбатга қўшилади унинг рафиқаси Н. Асронқулова. — Бирлашмамиз ишчиларининг 90 фоиздан кўпроғини хотин-қизлар ташкил этади, уларнинг анчаси кўп болали оналардир. Биз бунёдкор меҳнаткашлармиз, бинобарин қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, жамиятдаги ўз вазифамизни бир хил тушунамиз. Бизнинг буюмларимиздан тайёрланган либосларни ҳар қандай миллатга мансуб болалар ҳам, катталар ҳам мамнуният билан кийиб юришади. Бизнинг кучимиз ва мамлакатимизнинг қудрати дўстликда, деб ўйлайман.

БУХОРО

● Қўҳна Бухоро баҳор байрами муносабати билан ўзига оро берди. Меҳнат коллективларининг вакиллари бутун дунё меҳнаткашлари бирдамлиги ғояларига ўз садоқатларини намойиш қилиб, шаҳарнинг бош майдонидан ўтдилар. Ранг-баранг байроқлар, гуллар сафларни янада гўзаллаштириб юборган эди.

Бу галги байрам юришида: биз, партия, қайта қуриш йўлида сен билан биргамиз, деган шиор асосий шиор бўлганлиги бежиз эмас. Сафларида 62 мингдан кўпроқ коммунист бўлган область партия ташкилоти ҳақиқий сиёсий раҳбар ҳисобланади, у қайта қуришда фаол қатнашмоқда. Ҳозир, КПСС XXVIII съездига тайёргарлик даврида партия аъзоларининг фаолияти янада кучаймоқда. Улар ишлаб чиқаришда олдинда бормоқдалар, ижтимоий масалаларни ҳал этишда кўмаклашмоқдалар, коллективларни жипслаштирмоқдалар.

Бухоро ип газлама бирлашмаси, пиллакашлик ва зардўзлик фабрикалари область деҳқончилик-саноат қурилиши бошқармаси меҳнаткашлари Биринчи Майни яхши ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан кутиб олдилар. Улар юз минглаб сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқардилар. Иқтисодий ислоҳот яхши кўрсаткичларга эришишда ёрдам бермоқда.

Намойиш катта баҳор байрамининг муқаддимаси бўлди, холос. Ярим кечагача оммавий сайиллар бўлди.

ЖИЗЗАХ

● Жиззах ип йигирув фабрикаси меҳнат коллективининг вакиллари байрам митингига яхши кайфият билан келдилар. Бу йил корхонада қувончли ўзгаришлар бўляпти Энг муҳим кўрсаткич — меҳнат унумдорлиги тўрт ой ичида ўн иккки фоиз ошди. Бутун фабрика фаровонлиги ҳам, ҳар бир йигирувчининг фаровонлиги ҳам ана шунга боғлиқ. Истеъмолчиларга белгиланганга нисбатан 600 тоннадан кўпроқ калава жўнатилди.

1-бинокорлик материаллари комбинати, трикотаж бирлашмаси, аккумулятор заводи, пластмасса заводи, пайпоқ фабрикаси, жўшқин ривожланаётган область марказидаги бошқа корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари меҳнат ютуқлари тўғрисида рапорт бердилар.

Шаҳар «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғи, «Ғунча» болалар боғи, шаҳарнинг марказий майдонида ўз-ўзидан катта-катта саҳналар пайдо бўлди, бу саҳналарда санъаткорлар ва ҳаваскор артистлар, шаҳар ижодкор ёшларининг байрам концертлари бўлди. Область марказининг кўпгина гўшаларида байрам савдо ярмаркалари, таомлар, шарқ қандолатларининг кўргазма савдоси очилди.

ҚАРШИ

● Бу ерда ўтган йиллардагига нисбатан Биринчи Май намойишига анча кўп одам чиқди. «Демак бундай тантаналар зарур экан» деди намойиш қатнашчиси, «Узбекнефтегазгеология» бирлашмаси партия комитетининг секретари С. Омонхўжаев. У Биринчи Май байрами арафасида илғор бирлашма коммунистларининг йўлбошчиси этиб сайланди. Бунга қадар бирлашманинг Ҳисоролди экспедициясида геолог бўлиб ишлаган, ер остидан нефть ва газнинг ноёб ҳазиналарини очган.

Улуғ Ватан уруши ветеранлари ҳам байрам қатнашчилари сафида бўлишди. Улар орасида ёшлигида Украинада фашистларга қарши курашган, кейинчалик эса Қарши чўлини ўзлаштирган Н. Царькова бор. Бу аёл намойиш ҳақида бундай деди:

— Байрам шов-шувлари камайиб қолди. Аввалги йиллардаги хўжакўрсинга бўладиган шодиёналар хамёнга зарар эди. Шаҳар корхоналари сафларни ким чиройлироқ безатиш юзасидан мусобақалашар, сохта муваффақиятларини намойиш этишар эди.

Область марказида Биринчи Май байрамида ўзгаришлар рўй берди. Ленин номли майдонга асфальт ётқизилди. Йўл кенгайтирилди, энди у олти қаторли бўлди, шаҳарда ўн минг кишига мўлжалланган «Геолог» спорт комплекси қурилиши тугалланди, болалар поликлиникаси қад кўтарди. Ер ости бойликларини қидирувчилар иштиқомат қиладиган қишлоқда 75 ўринли чойхона очилди, кўп хонали уй фойдаланишга топширилиш арафасида турибди.

НАМАНГАН

● Сафларнинг бирида тикувчилик-атторлик бирлашмасининг ходималари боришмоқда. Яқиндагина Нуробод даҳасида унинг яна бир бўлими очилди. Ўнлаб уй бекалари иш олдилар.

— Бўлимимиз январь ойида очилиши керак эди, — дейди унинг директори Я. Боқиев. —. Бироқ ускуналар етказиб бериш муддати бузилганлиги сабабли уни ўз вақтида ишга тушира олмадик. Қурилиш бораётганида ишлаб чиқариш хотин-қизларга мўлжалланганлигини ҳисобга олдик. Маиший хоналар, душхоналар, руҳий ҳордиқ чиқариш хонаси, шинам ошхонамиз бор. Дўкон очишни ўйлаяпмиз. Ҳозирча бизда 75 киши, асосан уй бекалари ишлашяпти.

Янги корхонада йилига 5 миллион сўмлик тикувчилик буюмлари ишлаб чиқариш мўлжалланган. Кадрларни жойнинг ўзида, ўзимизнинг ўқув комбинатимиз ва 5-қишлоқ ҳунар-техника билим юртида тайёрлаяпмиз. Биринчи ярим йиллик охирига қадар 500 дан кўпроқ аёллар ва қизлар бу ерда ишлай бошлайдилар.

Меҳнат дафтарчаларига, муқим маошга ва фаол ишлаш имкониятига фақат 75 чевар эга бўлгани йўқ. Область маҳаллий саноат бошқармасида касаначилик меҳнати билан банд бўлганлар 3600 кишидан ошиб кетди. Улар барча учун зарур бўлган кундалик эҳтиёж моллларини ишлаб чиқаришмоқда.

САМАРҚАНД

● «Красний двигатель» заводи вакиллари улуғ Ленин номи билан аталган марказий майдон бўйлаб ўтдилар. Ижарада ишлаётган корхона меҳнат коллективи акцияларини чиқарди. Бу акцияларни ўнлаб ишчилар ўз жамғармаларидан 90 минг сўмдан кўпроқ пул тўлаб сотиб олишди. Бу маблағлар ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги қувватлар вужудга келтирилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ юз минг сўмдан кўпроқ қўшимча фойда олинди. Бу пулларнинг бир қисми акциячи ходимларга мукофот тариқасида берилди.

Иқтисодий ислоҳот самарадорлиги бошқа корхоналар мисолида ҳам кўриниб турибди. Насос-куч ускуналари заводи коллективи асосий фондларни ўзига сотиб ола бошлади. «Электробитмаж» ишлаб чиқариш бирлашмаси холодильникларнинг янги турларини кўплаб ишлаб чиқаришга тайёрликни тугатди. Шаҳар корхоналари ва ташкилотларида меҳнаткашларнинг ижтимоий эҳтиёжларига эътибор кучайди. Биринчи Май арафасида қаттиқ эрийдиган асбоблар тажриба-экспериментал заводида ижтимоий ривожлантириш жамғармаси ҳисобида бепул тушлик берила бошланди. «Самарқандгеология» бирлашмаси марказий лабораториясининг коллективи шу йилдан ўз ходимларига икки ёшгача бўлган болаларини тарбиялаш учун ҳар ойда 50 сўмдан пул бериб туриш тўғрисида қарор қабул қилди.

ТЕРМИЗ

● Сурхондарё область марказининг минглаб аҳолиси Биринчи Май куни Ленин номли майдондан ўтди. Одатда область ва шаҳар раҳбарлари турадиган минбар биринчи марта бўм-бўш қолган эди. Одатда минбарда турадиган кишилар байрам сафларининг олдида бордилар, сўнг В. И. Ленин ҳайкали пойига келиб турдилар, ана шу ҳайкал ёнидан намойишчилар ўтиб боришар эди. Ҳарбий оркестр садолари, башанг кийинган одамларнинг сафлари ва уларнинг қўлларидаги гуллар ёрқин, чинакам баҳор байрами кайфиятини яратди.

Намойиш қатнашчиси, Термиз локомотив депосининг машинист-инструктори У. Назаров бундай деди:

— Биз совет кишилари учун халқлар ўртасидаги дўстлик улкан ютуқларимизнинг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб келган. Бугунги кунда мен ва мен билан бирга меҳнат қилаётган ўртоқларим шундай деб ҳисоблаймиз. Коллективимизда деярли 20 миллат вакиллари ишлайди. Биз миллий нифоқ чиқаришга ҳар қандай уринишларни рад этамиз.

Уч иттифоқдош республика оралиғида жойлашган депомиз фоалиятини ҳам байналмилал фаолият дейиш мумкин. Термиз темир йўлчилари халқ хўжалик юкларини Ўзбекистоннинг қўшни областлари қатори Тожикистон ва Туркманистонга, шунингдек Афғонистонга ўз вақтида, узлуксиз етказиб беришмоқда, Биринчи Май арафасида навбатдаги озиқ-овқатлар ортилган составлар Амударё кўприги орқали қўшни мамлакатга йўл олди. Термиз дарёчилари ва «Совавто—Термиз» автотранспорт корхонасининг халқаро йўлларида қатновчи ҳайдовчилари ҳам юк ташиш планларини аниқ бажаришмоқда.

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари мамлакатимиз кўп республикалари ва ўлкалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлар.

Сурхондарёдан РСФСРдаги кўп шаҳарлар аҳолисининг байрам дастурхонига, шу жумладан Урал ва Сибирга минглаб тонна эртанги карам юборилди. Пахтакорлар ҳозир янги ҳосил учун замин яратишмоқда.

ГУЛИСТОН

● Гулистон автобус-таксомотор корхонасининг вакиллари область марказидаги марказий майдондан шаҳдам қадам ташлаб ўтдилар. Коллектив Биринчи Май арафасида ижара шароитидаги ишларнинг баъзи якунларини чиқарди. Пландан ташқари олинган даромад бир йилда 415 минг сўмдан ошиб кетди, асосий кўрсаткичларнинг бири — сифатида биринчи марта жорий этилган хўжалик ҳисоби даромади камида 2,7 миллион сўмни ташкил этди. Моддий сарф харажатлар анча камайтириб, пассажирларга хизмат кўрсатиш сифати бирмунча яхшиланди.

Байрам олдидан автобус-таксомотор паркининг энг кекса ходимларидан 40 киши «Меҳнат ветерани» медали билан мукофотланди. Улар орасида байрам намойишида қатнашган М. Бадалов, И. Бекиров, А. Пўлатов, Б. Черних, Ю. Лисовенко, Ғ. Рустамжонов ва бошқалар бор.

Майолди социалистик мусобақасида олдинга чиқиб олган Гулистон парранда наслчилик репродукторининг ходимлари байрам арафасида ўз директорлари С. Абляевни республика халқ депутати қилиб сайланганлиги билан самимий табрикладилар. У машаққатли сайловолди курашини бошидан кечиришига тўғри келди. Корхонанинг ҳозирги муваффақиятлари раҳбариятнинг хўжалик юритишнинг янги шаклларини кенг жорий этиш борасида тутган қатъий йўлига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу ерда йил бошидан бери 9 миллион дона тухум ва 500 тонна парҳез гўшти тайёрланди. Бу эса план топшириқларидан анча кўп. Мўлжалдагидан икки баравар кўп фойда олинди. Хуллас мақтанса арзийдиган ишлар бор.

Гулистонда бўлган байрам юришининг қатнашчилари бундан кейин ҳам қўриқ ўлкани ривожлантиришга бор кучларини сарфлашга азму-қарор берганликларини намойиш этдилар.

УРГАНЧ

● Урганч меҳнаткашларининг Биринчи Май намойиши ўтган йиллардаги сингари кўркам ва тантанали бўлди. Меҳнат коллективлари, ўқув юртларининг ранг-баранг байроқлар, транспорантлар, шиорлар кўтариб олган вакиллари шаҳар кўчаларидан ўтишди.

Бинокорлар байрамга яхши кайфият билан чиқдилар. Областда кўплаб уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар, шифохоналар пайдо бўлганлигида уларнинг хизмати катта. 1677-қурилиш трести ишчи ва хизматчилари шаҳар марказий майдонидаги Ильич ҳайкали олдидан кўтаринки кайфият билан ўтдилар. Ушбу коллектив кўп яхши ишларни амалга оширган. Урганч шаҳрининг жамоли ана шулар қўли билан янада кўркамлашди, шаҳар чегаралари анча кенгайди ва Урганч республикамизнинг гўзал шаҳарларидан бирига айланди. Бу ерда янги чароғон кўчалар ва даҳалар, майдонлар ва ҳиёбонлар, савдо ва маиший хизмат корхоналари пайдо бўлди.

ФАРҒОНА

● Область маркази безатилган. Бу ерда, бош майдонда кўп кишилик митинг бўлди. Митинг қатнашчилари орасида уруш ва меҳнат ветеранлари, ишчилар, зиёлиларнинг вакиллари бор эди.

Кўпгина саноат корхоналари тўрт ойлик планни муваффақиятли бажардилар. Улар олдида энди ана шу муваффақиятларни кўпайтириш вазифаси турибди. Самарали ишлашга иқтисодий ислоҳот, ишлаб топилган маблағларни сарфлаш, коллективларнинг ижтимоий масалаларини ҳал этиш имконияти кўп жиҳатдан кўмаклашмоқда.

Фарғоналиклар ленинча шанбаликни эсларида яхши сақлаб қолишди. Шу куни Фарғона пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2700 нафардан кўпроқ ишчиси дастроҳлар олдида тер тўкди. Ишлаб топилган маблағларни касаба уюшмаси комитети коллектив эҳтиёжлари учун сарфлайди. Фарғона кимёгарлари шанбалик кунида кўплаб халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришди. Кимёвий тола заводида 4,5 минг сўмлик калава ва ип, «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасида минг сўмлик оммавий эҳтиёж моллари тайёрланди.

Шу байрам кунларида область деҳқонларининг юмушлари кўп. Улар мўл ҳосил етиштиришлари ва уни сақлаб қолиш учун ҳаракат қилишлари керак. Бу вайда райониданги партия XX съезди номли колхозда ижарачилар маккажўхори етиштиришмоқда. Улар бу йил ҳар гектар ердан 60 центнер «каҳрабо дон» олишни режалаштирганлар. Саб завоткорлар, пахтакорларнинг ҳам юмушлари кўп.

Ўзбекистонда байрам намойишларининг қатнашчилари ўзларининг Коммунистик партияга бўлган ишончларини билдирдилар, унинг жамият турмушини янгилашдаги йўлини қўллаб-қувватладилар.

Республика аҳолиси янгиланган, самарали ишлаётган Советларга катта умид боғлармоқда. Жойлардаги мустаҳкам ҳокимият одамларнинг яхши яшашига шубҳасиз ёрдам беради.

КПСС XXVIII съездини фақат коммунистлар эмас, барча меҳнаткашлар ҳам муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўришмоқда.

ТАШВИШ ВА УМИД БАҲОРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Шуни айтиш керакки, намойишчилар сони кутилганидан кўра анча оз бўлди, намойишчиларнинг сафлари эса баъзан нохуш таассурот қолдирди: айрим шиорлар очиқдан-очиқ ирғоварлик, безорилик, экстремистлик руҳида бўлиб, кучларни жипслаштиришга эмас, балки конституцион ҳокимият билан бевосита муҳолифликка чақирар эди.

Транспарантларга ёзилган кўпгина талабларнинг моҳиятини жиддий деб бўлмас эди — биз сиёсат ва иқтисодиёт соҳасида катта ечимлар арафасида турганимиз маълумку, ахир.

Биз бу ҳақда байрам меҳмони — етакчи совет иқтисодчиларидан бири, СССР халқ депутати **П. Г. Бунич** билан гаплашдик.

— Бизнинг бозор иқтисодиётига ўтишдан бошқа иложимиз йўқ, — дейди у. — Мана шу иқтисодиёт ишлай бошлаши учун тўртта асосий шарт-шароит зарур. Биринчидан, инсон ишлаб чиқариш воситаларининг ҳақиқий соҳиби бўлиб қолсин. Бунинг учун ҳозирнинг ўзидаёқ йўл очиб қўйилди.

Иккинчидан, ҳозиргидек, ёмон ишлаётган корхоналарга яхши ишлаётган корхоналардан пул олиб беришни бас қилиб, уларга солиқ солишга ўтиш керак. Яна икки-уч ҳафтадан кейин мана шундай қонун қабул қилинишидан умидвормиз. Учинчидан, тўғри нарх-наво зарур, эркин бозор нархи эса мана шундай бўлади. Гражданларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ҳеч сўзсиз ҳимоя қилиниб, келгуси йилда кўпгина нархноволар эркин бўлиб қолишига ишонгимиз келади. Ниҳоят, тўртинчидан, рақобат керак. Майли, аэрофлот ўнта бўла қолсин. Бироқ бу ишни дарҳол қилишнинг иложи йўқлиги сабабли, келинглар, лоақал аэрофлотни тўрт қисмга бўлайлик.

СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг катта концерт оркестри ижросидаги куйлар пойтахтдаги Биринчи Май байрам шодиёнасига файз қўшади. 45 йил муқаддам ташкил этилган шу оркестр коллективига яқиндан буён СССР халқ артисти **М. М. Кажлаев** раҳбарлик қилмоқда.

— Менинг бутун ижодим ўзим туғилиб ўсган Доғистон билан боғланган, она диёр турмушини мадҳ этадиган асарларимни ўша ерда яратганман — дейди мусиқа дарғаси. — Бироқ мени Москвада ишлашга таклиф қилишганида йўқ дея олмадим. Бизнинг коллективимиз ҳамиша моҳият эътибори билан байналмилал бўлиб келган, иттифоқдош республикалар композиторларининг мусиқасини оммалаштиришга интилиб келган. Қолаверса, халқлар дўстлигининг ўзи мен учун мавҳум тушунча эмас. Бинобарин, биз миллатлараро муносабатлар нақадар мураккаб бўлмасин, шу анъанани кўпайтиришга аҳд қилганмиз. Репертуаримизда Озарбайжон ва Арманистон, Эстония ва Бурятия муаллифларининг асарлари бор... Ҳозир Ғалаба куни муносабати билан бўладиган байрам концертига тайёргарлик кўряпмиз. Унда мамлакатнинг турли жойларидаги уруш ветеранлари бўлмиш композиторлар ижод қилган куйлар янграйди...

Қизил майдонга келувчи москваликлар оқими аста-секин тугаб боради, бу ердаги сайил ниҳоясига етиб, пойтахтнинг ҳар хил жойларида ўнлаб халқ сайиллари, шодиёна кўча карнаваллари бошланиб кетади. Ҳар ҳолда биз ана шу меҳнат байрамининг аслига қайтаётганимиз яхши бўлди. У яна амалий руҳ касб этганлиги бундан ҳам яхши. Бироқ бошқа бир томонга оғиб кетмаганимиз маъқул: очиғини айтадиган бўлсак, шаҳарнинг кўча ва майдонлари яхшироқ тозаланиши ва безатилиши мумкин эди. Дарвоқе, ҳали Биринчи Майни кўп марталаб байрам қиламиз...

ҚИЗИЛ МАЙДОНДАН РЕПОРТАЖ ОЛИБ БОРГАН ТАСС МАХСУС МУХБИРЛАРИ:

В. БЕЗБРЕЖНИЙ, И. В. ВЕКСЛЕР, Р. КАРЯКИН, А. СУЛЬДИН, Б. ШЕСТАКОВ.

Тўрт йилдан бери пахта тайёрлаш планларини бажармай, жумҳурият меҳнаткашлари олдида юзлари шувит бўлиб келаётган андижонликлар кейинги пайтларда рўй берган ва бераётган бир қанча ижобий ўзгаришлар туфайли, кўтаринки кайфиятда деҳқончилик йилини бошладилар.

• Далаларда кўклам нафаси

ИШТИЁҚ

Шу кунларда далалар гавжум. Яқинда Балиқчи районида бўлдик. Райкомнинг биринчи котиби қизиқ бир манзарани таърифлади. У машина фараларини ёқиб қўйиб, бола-чақаси билан картошка экаётган деҳқонга дуч келганини айтди.

Экинни экиш муҳлати зиқ-лигидан ёки эртага бошқа бўлдан ҳам заруррроқ иши кўстовланиб турганидан шунга мажбур бўлгандир? Аммо имонимиз комилки, ўша деҳқон ўтган йили ёки аввалги йилларда бу қадар шошмаган.

Касб-коримиз важидан деҳқон меҳнатини кўпдан бери кузатамиз. Боғбонлар олдинлари кўкармай қуриб қолган мевали кўчат ё дарахт ўрнини янги кўчат экиб тўлдирган пайтларни, афсуски, кўрмаганмиз. Бу йилги баҳор кезларида кўп ерда шу манзаранинг шоҳиди бўлдик.

Одамларда ишга сидқидилдан ёндашиш, фойда-зарарнинг оқибатини ўйлаш ҳисси уйғонаётгани — яхшилик аломатидир.

— Қунт қилиб ишласак, — деди избосканлик боғбон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Усмонжон ака Мансуров, — биргина бизнинг Андижон вилоятидаги мавжуд боғлар ҳосили билан жумҳуриятимиз халқининг эҳтиёжини тўла таъминлаш мумкин...

У ҳисоб-китоб қилиб берди: вилоятда ўн тўрт минг гектар мевазор, етти минг гектар узумзор бор. Мана, бизнинг Мичурин номли совхозимиз ҳозир мевадан, узумдан 100—120 центнердан ҳосил оляпти. Қўйинг, шунчадан бўлмасин-у ҳар гектардан ўртача 80 центнердан ҳосил олишни таъминласак вилоятимиз бўйича фақат меванинг ўзидан 112 минг тонна маҳсулот етиштиришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, колхоз-совхозларда боғ-роғлар барпо қилишга жуда қизғин ҳаракат бормоқда. Айниқса, вилоятнинг қоқ ўртасида шарқдан ғарбга томон яс-танган неча ўн минг гектар майдонни эгаллаган адирликларнинг талай қисми ўзлаштирилиб, пахта экиб келинди. Эндиликда бу адирликларда пахта етиштиришни тўхтатиб, мевали боғлар яратилмоқда.

Яқинда Андижон шаҳридаги муҳтож оилаларга уй-жой қуриш учун олти гектар ер ажратилиб, маҳалла-маҳалла бўйича чек берилди. Шу муносабат билан бўлган йиғинда вилоят партия комитетининг биринчи котиби, вилоят Советининг раиси Қаюмжон Холмирзаев уй-жой участкаси олувчиларга мурожаат қилди:

— Мана, участкани оляпсизлар. Бу ерлардан деҳқонлар ҳар йили тонна-тонна сабзавот, мева етиштирардилар, улар сизларнинг уй-жойга муҳтожликларингизни назарда тутиб, ўз ризқини қийиб сизларга инъом қилишяпти. Ерни қадрини билиб, участкани олгандан кейин уй ўрнига пойдевор қуриб, сўнгра ерни ўз ҳолича ташлаб қўймасдан имкон борича ҳовли саҳнида сабзавот, мева ўстиришларингиз лозим. Ернинг умри ўтмасин. Ана, машиналарда турли хил мевали кўчат, сабзавотнинг хилма-хил уруғини келтириб қўйдик, керагини олиб фойдаланинглар...

Ҳозир вилоят районларидаги қишлоқларда алоҳида қурилиш майдонлари мавжуд. Уй-жой учун томорқа участкаси сўраб ариза берганлар аксариятининг илтимоси қондирилди. Қурилиш материалларига талаб ортганлигини ҳисобга олиб, бир қанча колхоз-совхозларда ғишт ва оҳак пишириш цехлари, дурадгорлик кооперативлари ташкил этилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашларнинг руҳини кўтариб, жамоат ишига бўлган муносабатини яхшиламоқда, партия ва совет ташкилотларига, уларнинг раҳбарларига ҳурмат-ишончни оширмоқда.

Энди ишчилар, колхозчилар юқоридан кўрсатма берилишини кутиб ўтирмасдан ўз ишларини билиб қилишга одатланмоқдалар. Пахтаобод районидаги «Маданият» совхозининг директори, СССР халқ депутати Иўлдошбой Асқаров ибратомуз бир воқеани айтиб берди.

Хўжаликда саксон фоиз деҳқон ижара усулида ишларди. Мана, энди бригадирлик штатини ҳам қисқартирамиз, кейинчалик бўлим бошқарувчисидан воз кечамиз, дейишяпти деҳқонлар».

Шу совхозда ўтган йилдан бошлаб тошлоқ ва ташландиқ ерлардан олтмиш гектари шартнома асосида ишчиларга ижарага берилган эди. Деҳқонлар унга ерёнғоқ экиб, яхши фойдаландилар. Совхоз ҳам ёмон даромад олмади: ҳозир хўжалик омборида қирқ тонна ерёнғоқ турибди. Пулга сотаман деса харидор тайёр. Хўжалик раҳбарлари пулга сотмоқчи эмас. Россия Федерациясидан, Қўқондаги ёғ-мой комбинатидан вакиллар келиб, қурилиш материаллари ва бошқа керакли буюмлар эвазига алмаштириб олмоқчи бўлишяпти. Кўплаб уй-жой, маданий-маиший объектлар қураётган совхоз учун бу жуда қулай ва фойдали.

Ота-боболаримиз қадим замонлардан бери пахтани ардоқлаб келишган. Пахтани бизда ҳамиша нондек азиз санаб, тўкилган ҳар толасини эҳтиёт қилиб ердан териб олинади.

Энди эса ҳамма бахтсизлигимизни шу пахтага тўнкаб ўтирибмиз. Ахир, ҳанузгача она еримиздан ундириб келинаётган экинлар орасида энг даромадлиси шу пахтамиз эмасми?! Пахтада нима айб? Айб, ахир, уни ҳаммаёққа — далаю даштга, чуқуру адирга экишга мажбур қилган шуҳратпарастларда-ку!

Пахтанинг эртакилиги ва ниҳолларнинг бехато униб чиқишида чигитни пуштага экиш анчадан буён вилоят хўжаликларида яхши самара бермоқда. Бу соҳада Москва, Балиқчи, Избоскан районларининг деҳқонлари катта тажрибага эга. Ўтган йили шу усулда 38 минг гектар ерда пахта ўстирилган бўлса, бу йил бу рақам 70 минг гектарни ташкил этади. Шунча ернинг пуштаси олиб қўйилган.

Бу йил биринчи марта чигит экишни тезлатиш ҳақида қийин-қистов қилинмади. Пахтакорнинг ўзига ихтиёр берилди. Вилоят хўжаликларида экилган чигитнинг май ойининг бошигача тўла ундириб олиниши, яганалаш эса 17 майгача тугалланиши кўзда тутилмоқда. Андижон шароитида ҳар уяда биттадан ғўза кўчатини сақлаб қолишга эришилади. Шу билан пахта етиштириш жараёнининг биринчи, энг масъулиятли босқичига якун ясалади.

Бугун эса баҳор шабадалари деҳқон ширин орзу-умидларини ушалтирмоқ истагида нозик кафтларида ҳаволатиб юрган кенг далаларда яратувчанлик меҳнати тобора авж олиб бормоқда. Бу авж то кеч кузгача давом этади.

Р. РАҲМОНОВ,
А. ҚУРОНБОЕВ.

Манас ЛЕВИЕВ

Ўзбекистон мусиқа маданияти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги жумҳурият Давлат мукофотининг лауреати, замонавий ўзбек профессионал мусиқасининг асосчиларидан бири, бастакор Манас Бетьянович Левиев 78 ёшида вафот этди.

М. Б. Левиев 1912 йил 25 июлда Наманган шаҳрида туғилди. У катта ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. Мусиқа таълимини Самарқанддаги мусиқа ва хореография институтида ҳамда Ленинград консерваториясида олди.

М. Б. Левиев Улуғ Ватан уруши йилларида Ленинград ҳимоясида қатнашди. Яралангач Тошкент шаҳрига қайтиб келди. Унинг жўшқин ижодий фаолияти шу вақтдан бошланиб, умрининг охиригача давом этди.

М. Левиев машҳур «Суҳайл ва Меҳри» балети, «Олтин кўл», «Кимга тўй, кимга аза», «Нозик ниҳолим», «Тошкентнинг нозанин маликаси», «Мангулик», «Тошболта ошиқ», «Ажаб савдолар» каби бир қатор музикали драмалар ва комедияларнинг муаллифи эди. У учта кантата, кўплаб романслар ва қўшиқлар, кинофильмлар ва драматик спектаклларга музикалар ёзди.

М. Левиев мусиқаси миллий ўзига хослиги билан, ёрқин бўёқларга бойлиги, тилининг демократлиги, юксак гражданлилиги билан ажралиб туради. У серқуёш Совет Ўзбекистонининг ҳақиқий куйчиси эди. Бастакор шу туфайли халқимизнинг меҳр-муҳаббати ва ардоғига сазовор бўлди.

М. Левиевнинг ижтимоий-мусиқавий фаолияти ҳам маълумдир. У СССР ва Ўзбекистон бастакорлар уюшмаларининг раҳбар органларига бир неча марта сайланган эди.

Ўзбек профессионал мусиқа маданиятини ривожлантиришга қўшган катта хизматлари учун унга «Ўзбекистон ССР халқ артисти» юксак унвони берилган эди. У Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари, медаллар, Ўзбекистон ССР ва Белоруссия ССР Олий Советлари Президиумларининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди. М. Левиевга Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти берилган эди.

М. Левиев одамохун, ажойиб хислатли, ғамхўр, ниҳоятда камтар, ёшларга меҳрибон киши эди.

Ажойиб бастакор ва инсон бўлган Манас Бетьянович Левиевнинг порлоқ хотираси халқ қалбида абадий сақланади.

И. А. Каримов, Д. Д. Берков, П. В. Догонкин, М. И. Иброҳимов, А. С. Ефимов, А. И. Икромов, С. Мамарасулов, Ш. Р. Мирсандов, Р. А. Попов, Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин, А. И. Фозилбеков, Ў. Умарбеков, М. Бурхонов, А. Жабборов, М. Насимов, Ҳ. Носирова, Ҳ. Ғулом, Н. Ғоипов, М. Қаюмов, Б. Қориева, Э. Солиҳов, Э. Қаландаров, М. Шамаева, А. Шаламаев, О. Ёқубов, К. Яшин, С. Юдаков, Г. Ёқубов.

«ЖАЙҲУН» ТОМОШАСИ

● Элликқалъа райони маркази — Бўстон шаҳри яна бир замонавий бино билан кўркамлашди. Байрам арафасида шаҳарда 750 ўринли кинотеатр биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. «Жайҳун» номи берилган бу санъат даргоҳида ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун барча қулайликлар бор. Кинотеатр қурилишини 313-кўчма механизациялашган тажриба-монтажчилар колоннаси амалга оширди. Қурувчилар йил охиригача бир қатор колхоз-совхозларда ҳам маданият саройлари, кинотеатрлар ва клублар биносини қуришни режалаштириб қўйишган.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

• Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ОЛДИНГИ МАРРАСИНИ КЎЗЛАБ

Тошкент шаҳар XXXV Киров район партия конференциясида партиявий ишни такомиллаштириш йўллари тўғрисида жиддий фикрлашув бўлди. Делегатлар · район партия комитетининг олдиндан ҳаммага тарқатилган ҳисобот докладини, КПССнинг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, КПСС Устави лойиҳалари тўғрисидаги резолюцияларни муҳокама қилдилар.

Шунга қарамай, минбардан сўзланган нутқларга бирмунча ишончсизлик сезилиб турди. Нотиқлар билдирган фикрлар амалга ошириладими ёки илгаригидек қоғозда қолиб кетадими, деган савол коммунистларни ташвишлантирди. Сўзга чиққан раҳбарлар ҳам, ишчилар ҳам лоқайд кузатувчи бўлмай, қайта қуришга фаол қўшилишга ва уни олға томон силжитишга даъват этдилар.

— Биз ҳаммамиз халқнинг партияга ишончи ва ҳурматини тиклашимиз зарур, — деди ўз нутқида Тошкент алоқа электр техника институтининг ректори Ж. А. Абдуллаев. — Район партия комитетининг аввалги бир томонлама таъсири, хўжалик ишига аралашишга интилиш ўрнини сиёсий раҳбарлик, бошланғич партия ташкилотлари билан амалий алоқа эгаллаши лозим.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Т. С. Собитов район комитети тимсолида партиявий иш марказини ҳам, ташкилотчисини ҳам кўришдек зўр муддаосини изҳор қилди.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электрчиси С. Амирбеков КПСС Устави лойиҳасидаги ўзгаришлар юзасидан аниқ таклифлар киритди. Бу фақат унинг фикри эмаслигини — Устав лойиҳаси корхона бошланғич партия ташкилотида жиддий муҳокама қилинганлиги сезилди.

Район корхоналарининг хўжалик фаолияти эътиборан четда қолмади. Бу борада муайян ютуқлар билан бир қаторда бир қанча жиддий камчиликлар мавжуд. Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган коммунистлар орқали партия сиёсатини амалга ошира бориб ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиб, ижобий ташаббусларни мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга интилдилар. Шунга қарамай халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатларида ўтган йилдагига нисбатан қолоқлик сезилмоқда, бир қанча корхоналарнинг ишида бир маромда ишлашга амал қилинмаяпти, план топшириқларини бажариш, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш соҳасида мунтазамлик йўқ, айрим ходимларнинг интизомсизлиги натижасида ҳамон анчагина иш вақти бекор кетмоқда. Айрим кооперативларнинг фаолиятида Қонун ҳужжатларини бузиш ҳоллари учраб турибди, чайқовчилик тенденцияси кучаймоқда. Мана шу барча камчиликларга қарши оғизда эмас, балки амалда курашиш даркор, дейишди конференция делегатлари.

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Р. З. Ҳусаинов танаффуслардан бирида шундай деди:

— Конференция натижалари коллективларнинг меҳнат фаолиятида акс этажагига аминман. Район партия комитети билан халқ депутатлари Совети ўртасида вазифаларнинг тақсимлаб берилиши, халқ депутатлари Советлари ишига аралашмаслик аниқ тенденцияси намоён бўлмоқда. Партиянинг асоси — бошланғич партия ташкилоти масаласига келсак, унинг ролини бутун чоралар билан кучайтириш керак. Бирлашмамиз маъмурияти партия ташкилоти ишига аралашмайди, аммо мунтазам унинг ишидан хабардор бўлиб туради, коммунистлар билан маслаҳатлашади ва улардан самарали ёрдам олиб туради. Бироқ агар район партия комитетига бирон-бир масалани ҳал этиш учун, албатта, партия ташкилоти секретари билан бирга корхона раҳбарини ҳам таклиф этишлари кишини таажжублантиради. Бошланғич партия ташкилотларига кўпроқ ишонч билдириш фурсати етди чоғи.

Конференция қатнашчилари муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан қарор қабул қилдилар. Район партия комитети, Тошкент шаҳар ва область партия конференцияларига делегатлар сайланди, Ўзбекистон Компартияси XXII съездига ва КПСС XXVIII съездига делегатлар номзодлари тавсия этилди.

Партия конференциясида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов сўзга чиқди.

Конференция ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков қатнашди.

(ЎзТАГ мухбири).

• Қисқа сатрларда

Ёруғ ва шинам

Яккабоғ райони марказида янги шифохона комплекси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тўқсон ўринли мазкур бино қурилишига тўрт миллион сўмлик капитал маблағ сарфланди. Жумладан, даволаш, жарроҳлик бўлимларида беморлар учун қулайликлар яратилди.

Шифохонанинг маъмурий ва озиқ-овқат корпуслари ҳам бор. Бино «Узагропромстрой» бирлашмасининг «1-Агрострой» трестига қарашли 230-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари томонидан барпо этилди.

Беш юз хўжаликка

Ульянов районидаги Дзержинский номли давлат хўжалиги маъмуриятн беш юз хўжаликка пахта майдонидан бўшаган 95 гектар ерни бўлиб берди.

Томорқа билан таъминланганлар орасида меҳнат ва уруш ветеранларидан Н. Жалилов, Э. Ботиров, Н. Раҳимов ва бошқалар бор. Мазкур хўжаликда йилига 12 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган завод ва оҳак цехи ҳам ишга туширилди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



ЯНГИ ШИФОХОНА ХИЗМАТДА

Хоразм области. Яқинда Хива шаҳрида янги стоматология поликлиникаси ишга туширилди. Бу шифо маскани бир кунда ўрта ҳисобда 250 беморга хизмат қилади. Поликлиника замонавий медицина ускуналари билан жиҳозланган. Чунончи лазер ускунаси шифокорлар меҳнатини анча осонлаштирди. Тажрибали врачлар беморларга намунали хизмат қилишга интилишяпти. Бош врач Арслон Матрасулов ва Дилбаржон Бобожонова, Ражаббиби Бобожонова, Аминбой Машарипов сингари шифокорлар кўпчилик беморларнинг миннатдорчилигига сазовор бўлишяпти.

Суратда: янги поликлиниканинг бўлимларидан бирида.

Қ. ОТАЕВ олган сурат.

(ЎзТАГ).

Ўн гектар чамасидаги бу кўркам боғга водийликлар киролмасдилар. Қишлоқнинг ўртасида баланд деворлар қуршовидаги соя-салқин оромгоҳда турли дарахтлар қалин ўсган, лимонзорда олтиндай лимонлар осилиб ётар, анвоин гуллар чаман очилган, гулзор узра қушлар сайраради. Қатор шинам хоналар, фин ҳаммоми, биллиардхона ва бошқа хоналар дам олувчилар хизматида эди.

МЕҲР-МУРУВВАТЛИ БЎЛАЙЛИК

Аммо Фарғона область ижроия комитетининг меҳмонхонаси деб аталадиган бу гўша дарвозалари бир йилда нари борса 10—15 марта очиларди, холос. Чунки пойтахтдан келган юқори мартабали меҳмонларнинг дам олиши учун мўлжалланган эди. Областда шифохоналар, мактаблар, болалар боғчалари, яслилар етишмай турган бир пайтда фақат амалдорларга хизмат кўрсатадиган кенг, гўзал масканнинг бўш туриши социал адолатсизликнинг айни тимсоли эди. Яқинда область Совети ижроия комитети турғунлик даврининг бу қолдиғига чек қўйиб, боғни унинг асл эгаси—халққа қайтаришга қарор қилди. Энди бу ерда 200 ўринли оналар ва болаларни соғломлаштириш профилакторийси очилади. Профилакторийда асосан қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган аёллар ўз болалари билан бирга дам оладилар.

Фарғона областидаги кейинги пайтларда кўп болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан бир қатор ибратли ишлар амалга оширилиятпи. Бунда нафақат ҳукумат органлари, балки ишлаб чиқариш коллективларининг ўзлари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Ўзбекистон районидаги Ленин номли колхоз умумий йиғилиши қарорига кўра пенсия ёшига етган бўлсада, аммо иш стажи камлиги учун пенсия ололмаётган «Қаҳрамон она»ларга ойига 70 сўм миқдорида пенсия тайинланди.

Дарҳақиқат, 10 ва ундан ортиқ фарзандни ювиб-тараб, ўстириб сафга қўшиш осонми? Қишлоқдаги турмуш даражаси эса ҳаммамизга аён. Бу ерда болалар боғчалари, мактаблар, бошқа социал-маиший объектлар қурилиши йиллар давомида иккинчи даражали иш ҳисобланиб келинди. Оғизда болалар — бизнинг келажагимиз эканлиги ҳақида гапириб чарчамадик. Аммо реал иш талаб даражасида қилинмаган эди. Албатта, бундай шароитда 5-10 ёш боласи бор аёлдан тўлиқ иш стажи талаб қилиш инсофдан эмас эди.

Бироқ узоқ йиллар давомида мана шу нохуш аҳвол билан келишиб келинди. Ҳалима Қурбонова Ўзбекистон районидаги «Пахтақайнар» колхозида яшайди. Ҳалима опа 13 нафар ўғилқизини тарбиялаб вояга етказди. Ҳозирда уларнинг деярли ҳаммаси халқ хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилишяпти. Қизиғи шундаки, у киши пенсия ёшига етгандан сўнг алмисоқдан қолган кўрсатмаларга асосланиб иш стажи етишмаслигини рўкач қилишди ва унга нафақа тайинлашмади. Тўғри, фарзандлари уни зориқтириб қўйишмайди. Аммо шунча фарзандни эл-юртга қўшган онанинг меҳнатлари қадр топмаганлиги туфайли унинг кўнгли озор чекди. Яқинда «Пахтақайнар» колхози аъзоларининг умумий йиғилиши Ҳ. Қурбоновага 70 сўм миқдорида пенсия тайинлаб, адолатли иш қилди. Олтиариқ районидаги Охунбобоев номли колхозда ҳам турли сабаблар билан пенсия ололмаётган 8 нафар «Қаҳрамон она»га пенсия тайинланди.

Киров районидаги «Бешариқ» совхозида ёлғиз яшайдиган, моддий аҳволи ночор кишиларнинг турмушини яхшилаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранларига қўшимча нафақа берила бошланди. Фарзанд кўриб декрет отпускасига чиққан аёлларга эса бир йил давомида ойига 50 сўмдан тўланадиган бўлинди. Совхоз маъмурияти шу мақсадлар учун йилига 110 минг сўм сарфлаяпти.

«Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасида юзлаб аёллар меҳнат қилади. Ўтган йилдан бошлаб корхона раҳбарияти ҳамда меҳнат коллективи кенгаши қарорига кўра фарзанд кўрган аёлларга бир қатор имтиёзлар белгиланди. Маълумки, гулдай нозик гўдагини уйга ташлаб келган аёлнинг кўнгли тинчиб, иши унумли бўлиши ҳам қийин. Ясли, боғчалар эса етишмайди. Корхона коллективи кенгашиб шу масалани ҳал этди. Кўпчиликнинг фикри ғолиб чиқиб, янги фарзанд кўрган корхона аёлларига бола тарбияси учун отпуска муддатини уч йилга етказишга қарор қилишди. Фарзанд туғилган йилдан бошлаб то уч ёшга киргунча корхона онага ойига 100 сўмдан пул тўлаб туради.

Агар болалар эгиз бўлса, уларнинг ҳар бирига ойига 100 сўмдан берилади. Уч йиллик отпускага чиққан аёлнинг иш стажи узилмайди ва иш жойи сақланади. Ҳозир корхонада 200 нафардан зиёд аёл шу имтиёздан фойдаланяпти. Областда шундай корхона ва хўжаликлар сони ортиб боряпти.

— Бундай катта ёрдам кўрсатиш учун катта маблағ ҳам керак. Корхона ва хўжаликлар уни қаердан оляпсиз?

— Маълумки, ҳар бир корхона ёки хўжаликда моддий ёрдам фонди мавжуд, — дейди область социал таъминот бўлими мудири ўринбосари А. Иўлдошев. — Илгари бу фондлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳоллари ҳам учраган. Энди бундай суиистеъмолликларга барҳам берилди. Фонддан асосан аёллар ва болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун фойдаланиш мақбул топиляпти. Ҳозирги пайтда ўнлаб колхоз ва совхозлар, Марғилон ипак комбинати, «Атлас» фирмаси, Олтиариқ район матлубот жамияти каби корхона, муассасалар оналик ва болаликни муҳофаза этиш, оналарнинг ижтимоий-фойдали меҳнат билан бемалол шуғулланишлари, болаларнинг соғлом ва бахтиёр ўсишлари учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилишяпти.

Ҳа, келажакнинг замини бугундан яратилади. Эртамиз эгаларини катта ҳаётга тайёрлаш учун меҳнат коллективларининг ҳам астойдил қайғураётганлиги таҳсинга сазовордир.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Фан ва техника янгиликлари

ЯНГИ ЎСТИРИШ МОДДАСИ

СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг Иркутскдаги органик кимё институтида «Крезацин» номли янги ўстирувчи модда яратилди. Сувда яхши эрувчи оқ кукунли ўстирувчи модда ўсимликларга, ҳашарот, балиқ, қуш ва сут эмизувчиларга ижобий таъсир кўрсатади. Янги модда организмни бақувват қилади, моллар маҳсулдорлигини, турли касалликларга қарши кураш қобилиятини оширади.

Олиб борилган амалий тажрибалар жўжаларда, мўйнали ҳайвонларда, пилла қуртида ва бошқаларда ижобий натижалар берди. Қўй, қуён, чўчқа ва шу каби бошқа ҳайвонларда туғилиш йиғирма-ўттиз фоизга ошиб, болалари нисбатан йирик ва бақувват бўлади. Янги ўстириш моддаси СССР Бош ветеринария бошқармасининг ветеринария-фармакологик кенгаши томонидан амалиётда қўлланишга рухсат этилди. «Крезацин» муаллифлари — СССР Фанлар академияси мухбир аъзоси М. Воронков билан катта илмий ходим Н. Семеновнинг ёзишича, модда Усолскдаги химия-фармацевтика комбинатида ишлаб чиқарила бошланди.

ЛАЗЕР КЎЗНИ ДАВОЛАЙДИ

Москвадаги «Кўз микрохирургиясий» комплексида медицина фанлари номзоди А. Семёнов билан илмий ходим Е. Бейлин томонидан яратилган лазер мослама кўзни даволашга мўлжалланган бўлиб, тажрибалардан муваффақиятли ўтди. Кўзни тутиб қолувчи пардани парлатиб юборишга мўлжалланган мосламанинг клиник ҳилларини яратишга рухсат берилди. Тажриба мосламасида саксонга яқин беморда ўтказилган операция муваффақиятли чиққан. Операция бир минут давом этиб, келажакда ундан унумли фойдаланиш мумкинлиги амалда исботланди. Мосламалар кейинги беш йилликда кўплаб ишлаб чиқарила бошлайди.

ҚИРҚ МИНГ НУСХАДА

● Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси ўрта ва катта ёшдаги мактаб ўқувчиларига мўлжалланган «Ёш химик энциклопедик луғати»ни қирқ минг нусхада босмадан чиқарди. Унда химия фанининг тарихи, унинг ривожига ҳисса қўшган дунёнинг йирик олимлари, саноат тармоқлари ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан баъзилари ҳақида қизиқарли маълумотлар бор.

Қомус ёшларимизга касб танлашларида ҳам йўлланмалар бера олади. Жумҳуриятимизда химиянинг ривожига ҳисса қўшган академик-олимларимиз ишлари ва таржиман ҳоллари билан тўлдирилган. Китобнинг охирида қўшимча равишда қандай адабиётларни ўқиш кераклиги ҳақида маълумотлар ўрин олган.

Қ. АҲМЕРОВ.

ФАН ЮТУҚЛАРИ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Жамиятимизда қайта қуриш жараёни кечаётган, эркин ижтимоий, сиёсий-иқтисодий фикрлар ҳар хиллиги қарор топган. Инқилобий кунларимизда совет география фани ҳам ўзига янгидан-янги йўллар изламоқда. Жамиятга, табиатга, иқтисодиётга ва маънавиятга бўлган янгича муносабат туфайли бу фаннинг илмий, таълимий, маданий ва амалий аҳамияти янада ошмоқда.

Ўзбекистон географлари совет ва жаҳон географиясидаги илғор йўналишларни, яъни илмий тадқиқотларда гуманитар, экологик, система ёндашувларини кучайтиришда баҳоли қудрат иштирок этиб, кўпгина жабҳаларда марказ олимлари билан бир сафда боришга ҳаракат қилмоқдалар.

Бироқ бугун биз эришган ютуқларимизни таъкидлаш билан бирга анжуманимиз минбаридан туриб, фаолиятимиздаги жиддий камчиликларга ҳам эътибор беришимиз, уларни тезроқ бартараф этиш йўллари тўғрисида жиддий мулоҳаза қилишимиз, мунозара юритишимиз лозим.

Шуни тан олиш лозимки, биз географлар баъзан энг долзарб сиёсий, иқтисодий, айниқса экологик муаммоларни кўтариб чиқишда кўпинча кечикдик, ташаббускорликни қўлдан бериб қўйдик, етарлича фаоллик кўрсата олмадик. Мана бир мисол. Биз Орол фожиасини, Чирчиқ, Бўстонлиқ ва Сариосиёдаги салбий экологик ҳолатларни, табиатга етказилган жароҳатларни, пахта яккаҳокимлигининг оқибатларини, она тупроғимизнинг аянчли аҳволини, демографик сиёсатда йўл қўйилган жиддий хатоларни ва шу каби кўплаб салбий ҳодисаларни англаган ҳолда улар ҳақида ўз вақтида баралла бонг урмадик.

Бироқ юқорида айтганимиздек, бу каби айрим мисоллар Ўзбекистон географларининг сўнгги йилларда амалга оширган бир қатор назарий, илмий-амалий, жумладан ташкилий тадбирларини, эришган ютуқларини асло инкор этмайди. Аксинча, географик анжуманлариаро ўтган беш йиллик муддат жумҳуриятимиз география фани ва таълимида ўзига хос жиддий ижодий изланишлар даври бўлди.

Жумҳуриятимизда географик тадқиқотларнинг бир неча йўналиши шаклланган. Булар — ландшафтшунослик билан табиий географик районлаштириш, геоэкология билан чўлшунослик, полеогеография билан геоморфология, социал ва иқтисодий география, географик аҳолишунослик, иқлимшунослик билан қуруқлик гидрологияси, картография ҳамда география тарихидан иборат. Бундан ташқари кейинги йилларда умумгеографик фанлардан ўлкашунослик медицина географияси, рекреация (дам олиш зоналари), санаторий ва курортлар географиясига доир тадқиқотлар ўтказилди. Ўрта ва олий мактаб таълимига ҳамда она тилимизга, тарихимизга эътибор кучайиши муносабати билан географияни ўқитиш методикасига оид тадқиқотлар кенг бошлаб юборилди, ўзбек тилида дарслик, ўқув қўлланмалари, луғат ва атласлар яратила бошланди.

Ўзбекистон географлари ландшафтшунослик билан табиий географик районлаштиришнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этишда кўп йиллардан бери иттифоқда етакчи ўринларрдан биридадир. Сўнгги йиллар бу соҳага бағишланган ўндан ортиқ монография чоп этилди, янгидан янги илмий ва тадбиқий ландшафт карталари тузилди. Чунончи, жумҳуриятимиз ландшафтшунослари илк бор яратилиб, 1989 йил нашр этилган «СССР ландшафт харитаси»ни тузишда қатнашдилар.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, жумҳуриятимизда мамлакатимизнинг барча йирик илмий ландшафтшунослик мактабларига мансуб олимларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқди. Улар барча вилоятларда илмий иш олиб бормоқдалар. Бунинг натижасида ўлкамизнинг деярли барча регионлари, водий ва воҳалари, чўл массивлари табиий шароити, ресурслари, ландшафтлари ва иқтисодий имкониятлари жиҳатидан монографик тасвирланди, бу территориядан оқилона фойдаланиш бўйича қатор амалий тавсиялар асослаб берилди. Ландшафтшуносларимиз ҳозирги кунда кўпроқ экология ва табиатдан оқилона фойдаланиш мавзуларида иш олиб бормоқдалар. Табиий географларимиздан А. А. Рафиқовнинг Орол бўйи геоэкологиясига, С. А. Нишонов ва Л. А. Алибековларнинг Зарафшон водийси ландшафтлари ва табиий-географик районлаштириш назариясига бағишланган тадқиқотлари иттифоқ илмий жамоатчилиги томонидан муносиб баҳоланди. Ўзбекистоннинг антропоген, яъни инсон ўзгартириб юборган ландшафтларини атрофлича таҳлил қилиш давом этмоқда.

Инсоннинг табиат устидан ҳукмронлиги, табиатга кўрсатган салбий таъсири кучайиб, экологик мувозанатлар гоҳ билиб, гоҳ билмай бузилаётган ҳозирги шароитда геоэкология ҳамда чўлшунослик муаммолари юзасидан умидбахш илмий-тадқиқот ишлари ўтказилмоқда. Чунончи, Ўзбекистоннинг ва йирик шаҳарларнинг дастлабки экологик хариталари тузилмоқда. Жумҳуриятимиз олимлари Ашхободдаги, СССРда ягона чўлшунослик институтининг табиат чўллаша боришининг олдини олишга қаратилган тадқиқотларида муваффақиятли иштирок этмоқдалар.

Иқтисодий ва социал географияси соҳасидаги ҳамкасбларимиз сўнгги йилларда ўз диққат-эътиборларини ўлкамизнинг территориал социал-иқтисодий системаларини ўрганиш ва умуман, ижтимоий ишлаб чиқаришни территориал ташкил этиш масалаларига қаратдилар.

Ўлкамизнинг об-ҳавоси, иқлими ва сув ресурсларини географик жиҳатдан ўрганувчи мутахассислар асосан В. А. Бугаев номли Ўрта Осиё гидрометеорология илмий-тадқиқот институти билан Тошкент давлат университетида тўпланган. Улар бу соҳадаги тадқиқотлар билан бирга халқ хўжалигини қисқа муддатли гидрометеорологик ахборот билан таъминлаш бўйича муҳим ишлар олиб бормоқдалар, аэрокосмик методлардан тобора унумли фойдаланиб, кузатув ва таҳлил ишларини такомиллаштирмоқдалар.

Республикамиз картографлари ҳам кейинги йиллар мобайнида анча сермаҳсул ижод қилдилар. Улар кўплаб тематик карталар ва ўқув атласлари яратдилар. Картографларимизнинг медицина географиясига оид тадқиқотлари ҳам эътиборга сазовор.

Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақилликка ўтишини таъминлашда уч комплекс масала: ўз табиий ва меҳнат ресурсларимиздан оқилона фойдаланиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли миқдорда тезроқ таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини илмий жиҳатдан асослаб бериш кўндаланг бўлиб турибди. Жумҳуриятимиз географиясида эса ушбу масалалар устида жиддий тадқиқот ўтказа оладиган демография, иқтисодий ва социал география ҳамда геоэкология йўналишлари мавжуд. Бинобарин, ана шу йўналишдаги олимларимизнинг ижодий ва ижтимоий фаоллигини кескин оширишга эришишимиз зарур.

Иккинчидан — юксак савиядаги илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш масаласи. Сирасини айтганда, сўнгги йилларда Ўзбекистон география фани ва таълимида иқтидорли, истеъдодли, фидокор ёшлардан муносиб ўринбосарлар тайёрлаш жараёни бирмунча сусайиб кетди.

Учинчи масала. Айниқса, ўзбек тилидаги географик ва экологик адабиётни жадаллик билан кўпайтиришдан иборат. Айни вақтда бой ўтмиш меросимизга, маънавий қадриятларимизга таяниб, таълим-тарбияни муайян даражада миллийлаштиришга эришишимиз лозим. Чунончи марказда Иттифоқимизнинг барча регионлари учун бир қолипда тайёрланган дарсликларни ўзбек тилида нашр этишда регионаллик ва ўлкашунослик принципларига, миллийлик руҳига амал қилиб, айрим тузатишлар киритишга тўғри келади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузуридаги География илмий-тадқиқот институти барпо қилиш географларимизнинг кўп йиллик орзусигина эмас, балки давр талаби ҳамдир. Бу ҳақда озмунча ҳаракат қилмадик, озмунча бонг урмадик. Бироқ барча сайъи-ҳаракатимиз натижасиз қолиб кетаверди. Ваҳолонки, Озарбайжон, Грузия, Туркманистон, Қозоғистон каби иттифоқдош жумҳуриятларда махсус география илмий-тадқиқот институтлари кўп йиллардан бери самарали ишлаб турибди.

З. АКРАМОВ,
Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.
Р. РАҲИМБЕКОВ,
география фанлари доктори.

МАНФААТДОРЛИК АСОСИДА

Бундан бир йилча муқаддам пештоқига «Ўзбекистон» колхози клуби деб ёзилган бино ичкарисига кириб, кўзимизга ишонмай қолдик. Клуб фабрикага айланган эди. Икки жуфт конвейер бўйлаб тизилган қиз-жувонлар тикув дастгоҳларини чаққонлик билан ишлатишар, конвейер охирида эса тайёр маҳсулот тахламлари савдо тармоғига жўнатишга ҳозирланмоқда эди.

Аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида Янгибозор посёлкаси тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиалини ташкил қилиш масаласи қўйилганда унинг мудирини изламоқ ҳожат қолмади. Янгибозорлик Б. Ҳожиев анча йилдан буён Бухоро тикувчилик бирлашмасида инженер-технолог бўлиб ишлар эди. У янги лавозимга дарров рози бўлди.

— Филиалимиз ҳар ойда 26 минг дона эркаклар шими ишлаб чиқармоқда, — дейди у биз билан суҳбатда. — Ўтган йили 620 минг сўмлик маҳсулот тайёрладик. Энди миллион сўмлик марра кўзланмоқда.

Шундай қилиб вилоятнинг чекка районларидан бирида деярли қўшимча сарф-харажатсиз саноат ишлаб чиқариши йўлга қўйилмоқда. Филиалда ўрнатилган 65 тикув дастгоҳининг барчаси ўз меҳнат муддатини аллақачон ўтаган. Колхоз клубини цехга мослаштириш учун район ижроия комитети уни хўжаликдан сотиб олди.

Ҳозир бу ерда 150 хотин-қиз икки сменада ишламоқда. Ўзаро социалистик мусобақада О. Валиева, Ҳ. Режабова ғолиблик қилишмоқда. Яқин вақтларгача улар районда иш тополмай, уйда ўтиришарди. Энди корхона байроқдор. Д. Неъматова, Б. Норова каби қизлар эса мактаб партасидан иш жойига келишди. Келгусида районда ортиқча меҳнат ресурслари янада кўпайиши инобатга олиниб, филиалда иш жойларини 500 кишига етказиш тадбирлари кўрилмоқда.

Кейинги ойларда Пешку район маркази — Янгибозор посёлкасида бундай корҳоналар кетма-кет очиляпти. Ромитан тикув-галантерия фабрикаси бу ерда болалар кийими тикиш ва сунъий гиламларга гул босиш цехларини ташкил қилди. Районда бундай маҳсулотларнинг бозори чаққон.

Умуман, районда кишиларни иш билан таъминлашга биринчи даражали вазифа сифатида қаралмоқда. Яқинда лойиҳа-смета қиймати деярли 3 миллион сўм бўлган консерва заводи қурилишига киришилади. Россия федерациясининг Кострома области саноат корхоналари ҳам бу ерда ўз филиалларини ташкил қилишни таклиф этишмоқда. Бундай ҳамкорлик иккала томон учун ҳам манфаатли.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«ОРОМ»НИНГ ПАРВОЗИ

Бу қизлар ҳозирги кунда студент, келажакда эса инженер-ирригатор бўлишади, лекин моҳир санъаткорлар сингари рақс тушишни ҳам билишади. Булар Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти қошида ташкил этилган «Ором» ансамблининг фаол иштирокчиларидир. Кейинги пайтларда ансамбль қатнашчилари шуҳрати анча ошди. Республика ва Совет Иттифоқи бўйлаб бир неча бор сафарга чиқди, ўзининг ранг-баранг номерлари билан кўп минг кишилик томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлишди.

СУРАТДА: «Ором» ансамбли рақкосаларидан бир гуруҳи.

Т. КАРИМОВ олган сурат.

Буюк Ғалабанинг 45 йиллигига

МЎҒУЛ ХАЛҚИ НОМИДАН

Улуғ Ватан уруши ветерани Имомат Солметовни Мўғулистон Халқ Республикасининг Тошкентдаги ваколатхонасига таклиф этишганда, у ҳайрон бўлди. «Қизиқ, уларнинг менда қандай иши бўлиши мумкин?» — деган хаёллар билан ваколатхонага кириб борди. Имомат ака ўзини кутилмаган бир шодлик кутаётганидан бехабар эди. МХР вице-консули Холхинголдаги япон милитаристларига қарши олиб борилган жангларнинг 50 йиллиги муносабати билан И. Солметовга Мўғулистон медалини топширди. У Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати учун тақдирланган қатор-қатор орденлари ёнига қўшилган бу юксак мукофотга қарор экан, оловли йилларда ўтган жанговар ҳаётини кўз олдига келтирди.

1939 йили Совет Армияси сафига Бўстонлиқ район Нанай қишлоғидан чақирилди. Тоғлик йигит Байкалорти ҳарбий округидаги 57-дивизия 80-ўқчи полкининг 3-батальонида хизмат қила бошлади. Бу қисм жангчилари япон самурайлари билан бўлган жангларда мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатдилар. Улар орасида ўзбекистонлик жангчилар ҳам анчагина эди. Чунончи Тошкент областидан Мирсидиқ Орипов, Раҳмат Шерғозиев, П. Бошкатов, Н. Скутин, Файзи Қурбонов кабилар оғир жангларда қатнашиб, Мўғулистон тупроғида мангу қолдилар...

И. Солметовнинг омади бор экан, тирик қолди. У Ватанни фашист босқинчиларидан озод этишда олиб борилган жангларда ҳам фаол иштирок этди. Днепр дарёсидан сузиб ўтиш чоғида оғир яраланиб госпиталга тушди. Узоқ даволангандан сўнг уни ҳарбий хизматга яроқсиз деб топдилар. Қаҳрамон жангчи 1944 йили қадрдон қишлоғига қайтиб узоқ йиллар халқ хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилди.

Ҳозир Имомат Солметов қарилик гаштини суриб, ўндан ортиқ фарзанд ва кўплаб набиралари даврасида шодон умр кечирмоқда.

М. ОБИДОВА.

МУКОФОТГА «ЖИГУЛИ»

ДЕҲҚОНОБОД. Райондаги «Оқработ» совхози чорвадорлари тўл мавсумини муваффақиятли якунладилар. Хўжаликнинг К. Шоматов бош бўлган отаридаги мавжуд 310 бош она совлиқнинг ҳаммаси қўзилади. Жами 378 та қўзи олинди. 325 бош қўзи ўстиришга қолдирилди. Бу бир отардан икки отар яратилди, деган гап. Ўстиришга қолдирилган қўзиларнинг асосий қисмини урғочи қўзилар ташкил этади. Совхоз дирекцияси, партия ташкилоти ва ишчилар комитети мусобақа якунларини кўриб чиқиб, К. Шоматовни «Жигули» енгил автомашинаси билан мукофотлади.

А. ҚАЮМОВ.

ЎзТАГ ҳузуридаги махсус матбуот гуруҳи ҳабар қилади

ЮРТДОШЛАР, ҚАНДАЙ ХИЗМАТ ҚИЛЯПСИЗ?

Андижон вилояти делегациясининг аъзолари Ленинград ҳарбий округи ҳарбий қисмларига қилган сафарларидан мамнун бўлиб қайтиб келишди. Делегация аъзолари орасида ана шу қисмларда хизмат қилаётган йигитларнинг ота-оналари, уруш ва меҳнат ветеранлари, байналмилалчи жангчилар, партия ва комсомол ходимлари, ҳарбий комиссариатлар ва матбуот вакиллари бор эди.

Андижонликлар группа-группаларга бўлиниб, беш кун мобайнида турли ҳарбий бўлинмаларга боришди. Улар жангчиларнинг турмуш шароити, қандай овқатланаётганликлари, дам олишлари билан қизиқдилар. Оддий аскарлар ва офицерлар билан учрашувлар чоғида Совет Армияси сафларида қайта қуриш тўғрисида, армияда интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбий коллективларнинг турмуши ва хизматидаги, оддий аскарлар билан кичик командирларнинг ўзаро муносабатларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўлларини излаш хусусида ошкора ва қизиқарли суҳбат бўлди.

Одатда бундай учрашувларнинг ҳар бири Андижон вилоятидан келган ҳаваскор артистларнинг концертлари, машҳур солдат қўшиқларини биргаликда ижро этиш билан ниҳоясига етарди.

Марҳамат районидан колхозчи К. Каримов, Жалолқудуқ районидан асаларичи, маҳалла комитетининг раиси Ғ. Норматов, Пахтаобод районидан колхозчи А. Кенжаев, Андижон трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчи слесари А. Нуриддинов, Олтинкўл районидан пенсионер А. Тарабоев ўз ўғиллари билан учрашдилар. Ҳарбий қисмларнинг меҳмонхоналарида бир неча кун фарзандлари билан бирга яшадилар, уларнинг хизматдош дўстлари билан мулоқотда бўлдилар, командирлар билан суҳбатлашдилар.

— Қаерда интизом мустаҳкам бўлса, ўша ерда ҳамма вақт тартиб, одамларнинг ўзаро муносабатлари ҳам яхши бўлади. Мен ўғлим хизмат қилаётган ҳарбий қисмда бўлганимда бунга яна бир бор ишондим, — деди асаларичи Ғуломжон Норматов. — Гарчи Собиржон қурилиш батальонига тушган бўлсада, ҳозир эса қурилиш батальонлари ҳақида унча яхши гаплар айтишмаяпти, бир неча кун ичида унинг қисмида бу гапларнинг аксини кўрдим: ҳамма ерда тартиб, командирлар билан уларнинг қўл остидагилар ўртасидаги муносабат яхши. Командирлар Ўзбекистондан келган ёш солдатлар рус тилини яхши билмасликларидан шикоят қилишди, холос. Лекин уларнинг ишни ўз вақтида бажаришлари ва ўзларидан катталарни ҳурмат қилишларини мақташди. Ўзбекистонлик жангчилар билан суҳбатда эса маҳаллий ҳарбий комиссариатлар уларни ҳарбий хизматга муайян мутахассислик бўйича тайёрлаётганликлари, чақирилувчилар эса негадир қурилиш батальонларида бутунлай бошқа мутахассислик бўйича хизмат қилишаётгани маълум бўлди.

— Ҳарбий қисмларда яхши турмуш шароити яратилган, маданий марказлар бор, — деди созловчи слесарь А. Нуриддинов. — Бироқ биз шундай бир ҳолга эътибор бердик: деярли барча қисмларда рус мусиқа асбоблари ва пластинкалар бор. Миллий асбоблар эса йўқ. Аскарларнинг кўпчилиги Ўрта Осиё жумҳуриятларидан бўлган қисмларда ҳам худди шундай аҳвол. Уларга ёшликдан маълум бўлган мусиқа асбоблари топиб берилса, она тилида ижро этилган қўшиқлар ёзилган магнит ёзувлари етказиб берилса, ёмон бўлмасди. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, она юртдан узоқда хизмат машаққатларини анча енгиллаштирган бўлур эди. Ўғлим Дилшодбек артиллерия қисмида хизмат қилади. Командирлари унинг интизомли эканлигини, буюрилган вазифаларни ўз вақтида бажаришини ва камтарлигини айтишганидан жуда хурсандман.

Делегациянинг Нева соҳилидаги шаҳарга сафари ўзбекистонлик жангчиларни тарбиялаш борасидаги биргаликдаги режаларни ишлаб чиқиш билан якунланди. Уни Андижон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Холмирзаев ва Ленинград ҳарбий округи ҳарбий кенгашининг аъзоси, сиёсий бошқарма бошлиғи генерал-лейтенант Ю. М. Павлов имзоладилар.

К. НИЗОМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ҲАҚ, АЛБАТТА, ҚАРОР ТОПАДИ

Мусибат кутилмаганда келади, деганларича бор экан: марғилонлик Раим ака Каримов хонадонига 24 апрель куни Хабаровск ўлкасидаги ҳарбий қисмдан нохуш телеграмма келди: «Ўғлингиз Анвар Раимович Каримов оғир бетоб бўлиб қолди, тезда етиб келинг». Ўша куниёқ Раим ака катта ўғли билан Хабаровск шаҳрига учиб кетди.

...Анвар Каримов госпиталга тушганидан кейин шифокорлар у жигар циррози билан оғриганлигини аниқладилар. Қанчалик муолажа қилинмасин, 25 апрель куни бемор аскарнинг жони узилди...

28 апрель куни кундузи соат 2 ларга яқин Тошкент аэропортига Хабаровск шаҳридан транспорт самолёти келиб қўнди. Анвар Каримовнинг қариндош-уруғлари рух тобутни машинага солиб, Марғилонга жўнаш тараддудини кўришаётганида, уларнинг олдига бир гуруҳ нотаниш кишилар келишди. Бу одамлар тобутни марказга — В. И. Ленин майдонига олиб боришимиз керак, деб қаттиқ туриб олишди. Марҳумнинг жигарбандлари бу гапни эшитиб, ҳайрон, ҳангу манг бўлиб қолдилар. РАФ машинасининг ҳайдовчиси, мен Тошкент кўчаларини билмайман, сиз айтган жойга ҳайдаб бора олмайман, дейишига қарамай, нотаниш кишилар шофердан калитни олиб, рулга бошқа одамни ўтқазишди. Оғир қайғудан бошлари гангиган қариндош-уруғларни ҳоли-жонига қўймай, машинани Тошкент марказига қараб ҳайдашди.

Тобут Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биноси ёнига келтирилди. Жумҳурият Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Ислом Абдуғаниевич Каримов бу воқеадан хабар топгач, фарзандидан жудо бўлган Раим акага, унинг қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этди, тўпланганларни қабулхонага таклиф этиб, бу ерга ташриф буюришдан кўзда тутилган мақсад билан қизиқди.

Марҳумнинг отаси ва қариндошлари қайғудан гангиб турган бир пайтда, яна ўша нотаниш кишилар — улар «Бирлик» ва «Тўмарис» уюшмаларининг фаоллари бўлиб, биз марҳумнинг ўз ажали билан ўлганига ишонмаймиз, қайта экспертиза ўтказилишини талаб қиламиз, деб туриб олдилар. Жудолик аламидан фарёд чекаётган қариндошлар эса, Марғилонда одамлар жанозага йиғилиб туришибди, биз тезроқ етиб боришимиз керак, деб ижозат сўрадилар. Улар суҳбат тугамасданоқ бинодан чиқиб, Марғилонга йўл олдилар. Президент томонидан Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Т. И. Искандаров бошчилигида экспертиза комиссияси тузилиб, Марғилонга жўнатилди.

Қабулхонада қолган норасмий ташкилотларнинг фаоллари эса ҳозиргина кўз ўнгиларида содир бўлган воқеаларни бутунлай унутиб, ўз даъволарини айта бошладилар. Аммо бу даъволарнинг Раим ака Каримовлар хонадони бошига тушган оғир мусибатга мутлақо алоқаси йўқ эди.

...Махсус тиббий комиссия 29 апрель куни эрталаб соат еттиларда тобутни очиб, марҳумнинг жасадини синчиклаб кўздан кечириб чиқди. Унда тан жароҳатларининг биронбир нишони йўқлигини аниқлади. Таъзияда иштирок этаётган маҳаллий врач ҳам марҳум ўз ажали билан вафот этганини тасдиқлади.

Албатта, ўлим ҳақ, ўлимга даво йўқ. Лекин тириклар армия хизмати чоғида вафот этган ҳар бир йигитимизнинг ўлими сабабларини аниқ билишлари, ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилишлари керак. Жумҳуриятимиз раҳбарлари шундай қилишга тайёр. Шундай қилмоқда ва бундан буён ҳам шу йўлда ҳаракат қилаверади, деб таъкидланди юқоридаги суҳбат чоғида.

Ҳа, ҳақ албатта қарор топади. Лекин бу ерда бир онла бошига тушган оғир мусибатдан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланишга уринишларни қандай баҳолаш мумкин? Ахир биз юқорида таъкидланган «Бирлик» ҳамда «Тўмарис» уюшмалари фаолларининг хатти-ҳаракатлари шаккокликнинг ўзгинаси-ку! Муаммоларни шундай номатлуб йўллар билан ҳал этиб бўлмаслиги аниқ-ку!

Жумҳуриятимиз партия ва ҳукумати кенг жамоатчиликка таяниб, фарзандларимизнинг армия сафларида соғломон хизмат қилишларини таъминлаш, қурилиш қисмларига сафарбар этилувчи ёшларнинг ўз ҳудудимизда хизмат қилишига эришиш борасида катта ишлар олиб борилаётган бир пайтда халқимиз ўртасига парокандалик, қутқу солишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Соф виждонли кишиларнинг ҳаммаси мана шу ниятга эришиш йўлидаги курашга қўшилиб уни охирига етказишга баҳоли қудрат кўмаклашишидан кўпроқ наф келарди. Ўзбекистон Компартияси, республика ҳукумати ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари шу мақсадда ҳаракат қилмоқдалар.

СУД ЖАЗО БЕЛГИЛАДИ

Илгари хабар қилинганидек, 26 апрель куни эрта тонгда «Бирлик» норасмий ташкилоти фаоллари гуруҳи Улан-Удэ шаҳрида жойлашган ҳарбий қурилиш қисмида бетон қориш машинасида ишлаш чоғида юз берган бахтсиз ҳодиса натижасида ҳалок бўлган Ҳусниддин Маҳмудовни дафн этиш пайтида рухсат олинмаган намойишни ташкил этган эди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг республикада амал қилаётган Фармонига мувофиқ жамоат тартибини бузиш ташкилотчилари суд жавобгарлигига тортилди.

27 апрель куни Тошкент шаҳар Фрунзе район халқ судьяси Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ички ишлар бошқармасидан Абдураҳим Қаюмович Пўлатов хусусида келган ишни кўриб чиқди. Абдураҳим Қаюмович Пўлатов 1945 йилда туғилган, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси кибернетика институти лабораториясининг мудиридир.

Шу куни 1954 йилда туғилган, партиясиз, махсус юридик маслаҳат идорасининг мудири Миролим Обидович Одилов томонидан қонунни бузиш содир этилгани ҳақида Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасидан келган иш ҳам шу ерда кўриб чиқилди.

Халқ судьяси қонунбузарларнинг тушунтиришларини эшитиб, тақдим этилган материалларни текшириб, шунингдек гувоҳларнинг гапларини тинглаб, А. Қ. Пўлатов билан М. Одилов 26 апрель куни Ҳусниддин Маҳмудовни дафн этишда иштирок этиб ва тобут кўтариб бораётганларнинг орқасидан бориб, маросим қатнашчиларини қабристонга эмас, шаҳар марказига бошлаганлар. Милициянинг бу юришни тўхтатиш тўғрисидаги талабига жавобан одамларнинг бир қисми А. Қ. Пўлатов билан М. Одиловнинг даъватига мувофиқ кўчанинг ўртасига намойишкорона ўтириб олган, транспорт ҳаракатига тўсқинлик қилган ва гражданларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли вазиятни вужудга келтирган. Пўлатов юриш қатнашчиларига қарата сўзлаган нутқида партия ходимларини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларини ҳақорат қилган.

Халқ судьяси Ўзбекистон ССР маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига амал қилиб, граждан Абдураҳим Қаюмович Пўлатовга 1000 (минг) сўм жарима солишга қарор чиқарди.

Судья М. О. Одиловга нисбатан у содир этган хатти-ҳаракатнинг характерини, қонунбузарнинг шахсиятини, у илгари маъмурий жавобгарликка тортилмаганлигини эътиборга олиб, 200 (икки юз) сўм жарима солиш билан чекланиш мумкин, деб ҳисоблади.

Бу қарор устидан ўн кун давомида шикоят қилиш мумкин.

Қўшимча равишда шуни маълум қиламизки, ЎзТАГ ҳузуридаги махсус матбуот гуруҳининг олдинги ахбороти матбуотда эълон қилинганидан кейин Тошкентда ва республиканинг бошқа шаҳарларида яшовчи ўнлаб кишилар қўнгироқ қилиб, «Бирлик» фаолларининг ифвогарлик ҳаракатларидан ғазабланаётганликларини айтдилар. Бу ифвогарлик ҳаракати катта ҳайитнинг биринчи кунида содир бўлганлиги, айниқса, одамларнинг ғазабини қўзғатди.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Р. — 10056. № 101. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12